

ЎЗБЕКИСТОН РУСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

Наврузов Назиржон Эргашевич

“Туристтик хизматларнинг ҳолати ва уни ривожлантириш муаммолари
(Самарқанд вилояти мисолида)”

5A230102 – Иқтисодиёт
(тармоқлар ва соҳалар бўйича)


Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга қўйилди.
«Иқтисодиёт»
кафедраси мудири, в.б., и.ф.н.
доцент Ш. А. Султонов

Илмий раҳбар:
И.ф.н. Э.С. Файзиев



 «21» июл 2014 й.

САМАРҚАНД – 2014 й.

Мундарижа

Кириш.....	3-7
------------	-----

I-БОБ. Туризм хизмат бозори иқтисодий механизмини шакиллантириш ва ривожлантиришнинг назарий масалалари.....8-40

1.1. Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ривожлантириш туризм ва туристик хизматларнинг ўрни ва аҳамияти.....	9-15
1.2. Миллий туризм хизмат бозорини шакиллантиришда «туризм», «туризм хизмат бозори» ва «иқтисодий механизм» тушунчаларнинг Моҳияти.....	15-27
1.3. Туризм хизмат бозори иқтисодий механизмини шакиллантириш ва ривожлантириш тенденциялари.....	27-40

II-БОБ. Самарқанд вилоятида туристик хизматларнинг ҳолати ва таҳлили.....40-63

2.1. Самарқанд вилоятининг иқтисодий-ижтимоий тавсифи.....	40-47
2.2. Ўзбекистонда туризм ва меҳмонхона хўжаликлари фаолиятлари ҳолатининг таҳлили.....	48-53
2.3. Самарқанд вилоятидаги туристик корхоналар фаолиятининг таҳлили.....	53-63

III-БОБ. Самарқанд вилоятида туристик хизматларни кўрсатиш борасидаги муаммолар, уларнинг ечимлари ва ривожлантириш йўллари.....64-81

3.1. Самарқанд вилоятида туристик хизматларни кўрсатиш борасидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари.....	64-69
3.2. Самарқанд вилоятида туристик хизматларни ривожлантириш йўллари.....	69-76
3.3. Самарқанд вилоят туристик хизмат кўрсатиш корхоналарида ёнғин ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш йўллари.....	76-81

Хулоса ва таклифлари.....82-88

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....89-90

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги замон ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичида хизмат кўрсатиш соҳаси бозор муносабатлари ривожланишининг муҳим секторларидан бири бўлиб қолмоқда. Туризм хизмат кўрсатиш соҳасининг ва умуман иқтисодиётнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Туризм яхлит тизим сифатида алоҳида бир мамлакат ва умумжаҳон ҳўжалигининг маълум унсурлари билан узвий алоқада эканлиги маълум.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш концепцияси» мавзусида сўзланган маърузасида қуйидаги муҳим устувор вазифа белгилаб берилди – «...бизнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазифамиз бошланган ишларимизни изчил давом эттириш – истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секториини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳаларининг амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдир»¹. Шу боис, ҳозирги пайтда хизмат кўрсатиш тармоғининг бир қисми бўлган туризм соҳасини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда туризм фаолияти мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида талқин қилиниб, унга эътибор иқтисодий сиёсат даражасига кўтарилган. Соҳа ривожини учун зарурий ташкилий-ҳуқуқий механизм вужудга келтирилиб, ҳукумат томонидан тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва бу борадаги ишлар ҳозирги кунда ҳам давом эттирилмоқда. Жумладан, 2012 йил 10 майдаги “2012-2016-йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш концепцияси // “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил, 13 ноябр.

кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги ПК-1754-сонли қарорида 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори туризм индустриясини ривожлантиришда муҳим дастур ҳисобланади.

Бунга алоҳида эътибор қаратган мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов: «Таркибий янгиланишдаги алоҳида эътиборни талаб этадиган навбатдаги муҳим масала, бу — хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат. Энг муҳими, шуни унутмаслик керакки, катта капитал қўйилмалар талаб қилмайдиган бу соҳа иқтисодийнинг юксалишига, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ортишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади»², - деб таъкидлаган.

Мамлакатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган изчил ислохатлар натижасида 2013 йил якунларига кўра, кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 2000 йилдаги 3 фоиздан 53 фоизга ўсди.

Бу рақам ва кўрсаткичлар мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тараққий топган кўпгина давлатлар даражасига тобора яқинлашиб борапти, деб айтишга асос беради³.

Туризм соҳаси тараққиётидаги ҳозирги ҳолат, унинг истиқболини белгиловчи кўрсаткичлар таҳлили туризм индустрияси фаолиятини шакллантиришнинг иқтисодий, ташкилий омилларини ўрганиш, туризм хизмати сифатини кўтариш, миллий туристик корхоналар, фирмаларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда миллий туризм маҳсулотига хорижликлар талабини ўстиришга асос яратадиган мукамал илмий тадқиқотларга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда.

² И.А.Каримов «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 январь мажлисидаги маъруза Тошкент – «Ўзбекистон» – 2012, 246.

³ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оклаган ислохатлар стратегиясини изчил давом эттириш йўли бўлади. Халқ сўзи. 2014 йил 18 январь.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хизмат кўрсатиш ва туризм соҳаси тадқиқотлари билан бир қанча МДХ мамлакатлари олимлари шуғулланиб келмоқдалар. Булар жумласига М.Б.Биржаков⁴, В.С.Сенин⁵, Т.Т.Христов⁶, А.Д.Чудновский⁷, В.С.Боголюбов ва В.П.Орловская⁸, Н.И.Кабушкин⁹, В.А.Квартальнов¹⁰, В.Г.Федцов¹¹, А.Дурович¹², Ю.Ф.Волков¹³, Л.П.Шматко¹⁴, Г.А.Бондаренко¹⁵ кабиларини киритиш мумкин. Республикамиз олимларидан Ғ.Ҳ.Қудратов¹⁶, М.Қ.Пардаев¹⁷, И.С.Тухлиев¹⁸, Н.Тухлиев¹⁹, И.Иватов²⁰, А.С.Солиев, М.Р.Усмонов²¹, М.М.Мухаммедов²², Д.К.Усманова²³, М.Хошимов²⁴ А.Норчаев²⁵, Б.Тўраев²⁶,

⁴ Биржаков М.Б. Введение в туризм. СПб.: Издательский Торговый Дом «Герда», 2006 г.

⁵ Сенин В.С. Организация международного туризма. М.: «Финансы и статистика» 2004. - 379 с.

⁶ Христов Т. Т. Религиозный туризм: учеб. пособ. — 3-е изд., испр. — М.: Издательский центр «Академия», 2007. — 288 с.

⁷ Чудновский А.Д. Управление индустрией туризма России в современных условиях: учеб. пособ. — М.: КНОРУС, 2007. — 416 с., Чудновский А.Д. и др. Гостиничный и туристский бизнес. — М.: КНОРУС, 2005

⁸ Боголюбов В.С., Орловская В.П. Экономика туризма. М.:2005. — 151 с.

⁹ Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма. Минск: 2002. — 407 с.

¹⁰ Квартальнов В.А. Туризм: Учебник. - М.: Финансы и статистика, 2003.-320 с., Квартальнов В.А. Туризм: теория и практика: Избранные труды: В 5ти. т. —М.: Финансы и статистика, 1998

¹¹ Федцов В.Г. Культура гостинично-туристического сервиса : учебное пособие. — Ростов н/Д : Феникс, 2008. — 503 с.

¹² Дурович А.П. Маркетинговые исследования в туризме: Учебное пособие. — СПб.: Питер, 2008. — 384 с.

Дурович А.П. Организация туризме. — СПб.: Питер, 2009. — 320 с.

¹³ Волков Ю.Ф. Экономика гостиничного бизнеса. Изд. 2-е.- Ростов н/Д.: Феникс, 2005. — 380 с.

¹⁴ Шматко Л.П.и др. Туризм и гостиничное хозяйство. — М.: ИКЦ «МарТ»; Ростов н/Д.: ИЦ МарТ, 2003.

¹⁵ Бондаренко Г.А. Гостиничное и ресторанное хозяйство. 2-изд. Мн.: БГЭУ, 2001.

¹⁶ Қудратов Ғ.Ҳ., Хошимов М. Буюк Ипак йўлида туристик сервисни амалга ошириш масалалари.// Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. — Т.: «Иқтисод-молия», 2008. 4.1-боб. — 105-111 бетлар.

¹⁷ Пардаев М.Қ. Атабаев Р. Туризм асослари. Самарқанд, СамИСИ. 2006 — 74 б., Пардаев М.Қ., Атабаев Р., Пардаев Б.Р. Туризмни ривожлантириш имкониятлари.Т.: “Фан ва технология”. 2007- 32 бет, Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Т.: “Иқтисод ва молия”. 2008. -259 б.

¹⁸ Тухлиев И.С ва бошқалар. Туризм асослари. Ўқув қўлланма. - Самарқанд, СамИСИ, 2010. -247 б., Тухлиев И.С., Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. — Т. «Иқтисод-молия». 2010. -263 б

¹⁹ Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. —Т.: Гос. Науч. Изд-во “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2006. — 386 б., Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. —Т.: Гос. Науч. Изд-во “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2006. — 416 с., Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризме. —Т.: Гос. Науч. Изд-во “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2006. — 386 с.

²⁰ Иватов И. Ресторанное хозяйство в туристической сфере. Учебное пособие - Т.:ТГЭУ, 1998.-с. 131.

²¹ Усмонов М.Р.Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг минтакавий хусусиятлари (Самарқанд вилояти мисолида). География фан. номзоди дис. афтореферати. — Т.: ЎЗМУ, 2003. — 25 б., Солиев А.С., Усмонов М.Р. Туризм географияси. Самарқанд: СамДУ, — 2005. -131 б.

²²Мухаммедов М.М., Рахматов Ф. Туризм соҳасида бозор муносабатларининг шаклланиши ва унинг тармок самарадорлиги кўрсаткичларига таъсири. //Сервис ва туризм: Бошқариш ва ривожлантириш муаммолари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Самарқанд, 2007, 4-7 сентябрь.

²³ Усманова Д.К. Особенности формирования туристского продукта и перспективные направления его развития. Иқтисод фан. номзоди дис. афтореферати. — Самарқанд, СамИСИ, 2009. - 25 б.

²⁴ Хошимов М.А. Религиозные памятники Центральной Азии. - Алматы. САГА, 2001. -237 с.

К.Б.Уразов ²⁷ кабиларнинг асарларида туризм соҳаси ва туристик хизматларни ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган.

Бирок, мазкур олимларнинг туристик хизматлар сервис сифатини яхшилаш, улар самарадорлигини ошириш масалалари махсус ва чуқур тадқиқ этилмаган. Туристтик хизматларда сервис сифати ва самарадорлигининг пастлиги бу мавзуда чуқур тадқиқот олиб бориш лозимлигини тақозо қилади.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Иқтисодиёт» кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан узвий боғлиқ.

Тадқиқотнинг мақсади. Бозор муносабатлари шароитида туристик хизматларни ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ривожлантиришда туризм ва туристик хизматларнинг ўрни ва аҳамиятини ёритиш;
- «туризм», «туризм хизмат бозори» ва «иқтисодий механизм» тушунчаларининг моҳияти ёритиш;
- Туризм хизмат бозори иқтисодий механизмини шакллантириш ва ривожлантириш тенденцияларини ёритиш;
- Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш ҳолатини таҳлил қилиш;
- Самарқанд вилоятида туристик хизматларнинг ҳолати ва ривожланишининг умумий тенденциялари ҳолатини таҳлил этиш;
- Самарқанд вилоятида туристик хизматларни кўрсатиш борасидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимларини аниқлаш;

²⁵ Норчаев.А.Н. “Халқаро туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири” . Номзодлик диссертацияси. ТДИУ, 2004. - 120 б.

²⁶ Тураев Б.Х. Теоретико – методологические основы развития туризма. Т.: изд. «Фан», 2008. – 166 с

²⁷ Уразов К.Б. Туристтик ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари. Самарқанд, СамИСИ, 2007. – 46 б., Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2008. 8-боб. - 219-242 бетлар., Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг долзарб муаммолари. “Сервис” журнали. – 2009. № 1 – 107-114 бетлар.

- Самарқанд вилоятида туристик хизматларни ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти бўлиб, Самарқанд вилоятида туристик хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган субъектлар ҳисобланади.

Тақиқот предмети – Иқтисодиётнинг замонавий тармоқларини модернизациялаш шароитида туристик хизматларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар.

Ишнинг назарий ва услубий асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга оид асарлари, фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Бозор муносабатлари шароитида вилоятнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, хизмат соҳасини ривожлантириш ва туристик хизматни ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш бўйича назарий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Ишнинг тузилиши: **кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.**

I-БОБ. ТУРИЗМ ХИЗМАТ БОЗОРИ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

1.1. Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ривожлантиришда туризм ва туристик хизматларнинг ўрни ва аҳамияти

Бугунги кунга келиб, нафақат кишилар ҳаётининг маиший жиҳатлари, балки саноат тармоқларининг ривожланиши, миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги олдиндан мавжуд бўлган ҳамда янгидан пайдо бўлаётган ўнлаб турдаги хизматларга боғлиқ бўлиб бормоқда. Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш аҳоли фаровонлиги ва иш билан бандлик масалаларининг ҳал бўлишини таъминловчи муҳим омилдир.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётдаги роли ва аҳамиятини қуйидаги расм орқали ифодалаш мумкин (1-расм).



1-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётдаги роли ва аҳамияти

Хизматлар соҳаси жадал ривожланиб борар экан, тобора кўпроқ ишчи кучининг банд бўлишини таъминламоқда, давлат бюджетига солиқ тушумлари, валюта захирасига қатъий валюта тушумларининг кўпайишига хисса қўшмоқда.

1.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасидаги таркибий ўзгаришлар
(йил бошига)

млрд.сўм

№	Хизмат турлари	2011 йил	Тарки би (фоиз)	2012 йил	Тарки би (фоиз)	Фарқи (+;-)		Ўзгариш суръати	
						Ҳаж Ми	Тар киби	Ҳаж ми	Тар киби
	Хизматлар, жами	32749,8	100,00	41083,3	100,00	8333,5	-	113,2	-
	Жумладан:								
1.	Савдо ва умумий овқатланиш хизматлари	6134,4	18,73	8607,5	20,95	2473,1	2,22	118,6	111,9
2.	Транспорт хизматлари	10547	32,20	12350,2	30,06	1803,2	-2,14	104,1	93,4
3.	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	2062,5	6,30	2630	6,40	567,5	0,1	139,9	101,6
4.	Молия-банк хизматлари	2753,8	8,41	3507,5	8,54	753,7	0,13	118,6	101,5
5.	Туристик-экскурсия хизматлари	44,7	0,14	64,1	0,16	19,4	0,02	127,3	114,3
6.	Меҳмонхона хизматлари	97,5	0,30	112,4	0,27	14,9	-0,03	106,5	90,0
7.	Коммунал хизматлар	3852,1	11,76	4780,5	11,64	928,4	-0,12	99,9	99,0
8.	Маиший хизматлар	561,4	1,71	534,5	1,30	-26,9	-0,41	120,9	76,0
9.	Автомобилларни таъмирлаш хизматлари	314,2	0,96	367,8	0,90	53,6	-0,06	118,9	93,8
10.	Бошқалар	6382,2	19,49	8128,9	19,79	1746,7	0,3	118,5	101,5

“2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури”га кўра, 2016 йилга қадар хизматлар соҳасини жадал ривожлантириб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54-56 фоизга етказиш, хизматларнинг янги, замонавий турларини жорий этиш, аҳолини, биринчи навбатда қишлоқ жойларда одамларни иш билан банд қилиш муаммоларини ҳал этишдаги ролини ошириш чора тадбирлари кўзда тутилган.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ажралмас қисми туристик хизматлар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси таркибида туристик хизматларининг улуши жуда ҳам паст кўрсаткичга эга (1.1.1-жадвал).

Мамлакатимизда туристик хизматлар (Меҳмонхона хизматларини қўшган ҳолда) энг истиқболли хизмат турларига киради. Туристик-экскурсия хизматлари барча хизматлардаги ҳиссаси 2012 йил бошида 0,16 % ни ташкил этган бўлса, 2011 йил бошига нисбатан хизматлардаги ҳиссаси 114,3 % га хизматлардаги ҳажми эса 127,3 % га ошган. Ҳозирги кунда ушбу хизмат тури бир мунча кам бўлишига қарамасдан, унинг ҳиссаси келажакда ошиб бораверади.

1.1.2- жадвал

Ўзбекистон Республикаси минтақалари бўйича туристик экскурсион хизматларнинг ривожланиш ҳолати йил бошига (солиштира нархларда)

Ўтган йилга нисбатан фоизда

№	Минтақалари номи	Хизмат ҳажмининг ўсиши									
		2008 йил		2009 йил		2010 йил		2011 йил		2012 йил	
		режа	амал да	режа	амал да	режа	амал да	режа	амал да	режа	амал да
	Ўз. Рес.	119,3	122,3	121,3	126,3	123,4	130,4	127,5	110,6	117,7	127,3
	<i>Шу жумладан:</i>										
1.	Қорақ.Респ	109,1	129,3	110,5	167,1	111,3	126,7	113,5	125	105,3	205,6
2.	Андижон	115,6	483,6	118	138,1	119,5	128,8	120	132	116,5	105,3
3.	Бухоро	119	118,7	120	127,2	120,2	101,2	128	105	108,0	103,2
4.	Жиззах	118	218,2	118,5	177,4	120	106,2	122	125	104,0	71,3
5.	Қашқадарё	118	123,4	119,5	126	124	116,3	130	130	112,0	112,3
6.	Навоий	122	170,5	123,5	139,1	124	130,7	125	107	105,0	109,0
7.	Наманган	115	117,7	118	0	122	127,6	125	115	103,0	119,2
8.	Самарқанд	118	128	122	158,4	125	141,8	129	103	112,0	112,0
9.	Сурхондарё	116	226,6	116,5	125	118	175,2	120	115	112,0	105,6
10.	Сирдарё	110	18,3	120	0	130,5	113,1	135	2,6		
11.	Тошкент	120	127	122	177,4	123,5	191	125	140	108,0	122,3
12.	Фарғона	118	118,1	119,5	113,2	122	123	123	103	105,0	105,3
13.	Хоразм	115	126,2	120	200	121,1	105,1	130	105	105,4	112,4
14.	Тошкент шаҳри	121	124,4	122	118,3	123,5	135,3	128	115	120,5	136,7

Туристик хизматлар нинг Ўзбекистон минтақалари бўйича ривожланиш ҳолати 1.1.2-жадвал келтирилган. Жадвал маълумотларидан куришиб турибдики, 2012 йил бошида туристик хизматлар 127,3 фоизга ўсди ва бу 64,1 миллиард сўмни ташкил қилди. Туристик хизматларнинг ўсиши туристларнинг оқими ҳисобидан таъминланмоқда ва ушбу соҳада 2012 йил бошида 1 миллион кишига хизмат кўрсатилди.

1.1.3- жадвал

Ўзбекистон Республикаси минтақалари бўйича меҳмонхона хизматларининг
ривожланиш ҳолати йил бошига (солиштирма нархларда)

Ўтган йилгана нисбатан фоизда

№	Минтақалар номи	Хизматхажмининг ўсиши									
		2008 йил		2009 йил		2010 йил		2011 йил		2012 йил	
		режа	амал да	режа	амал да	режа	амал да	режа	амал да	режа	Амал да
	Ўзб. Рес.	120	133,5	122,5	122,5	125,3	112,3	130	118	114,0	106,5
1	Қорақ.Респуб	109,5	210,4	111	113,7	114,8	113,7	120	103	104,5	106,8
2	Андижон	116,2	119,9	119,5	123,6	122	126,8	125	120	116,0	105,0
3	Бухоро	119,2	142,8	120,1	125,3	124,2	102,7	130	106	106,5	112,6
4	Жиззах	118,2	154,2	118,5	132,7	120,5	126,7	122	122,1	108,0	122,0
5	Қашқадарё	118	121,2	119,8	120,5	124	100,6	130	120	110,0	112,0
6	Навоий	122	138,4	123,5	121,2	124	125,4	125	116	117,0	115,9
7	Наманган	115,5	149,5	118,5	220	122,2	165,7	125	130	116,0	126,0
8	Самарқанд	117,5	133,6	123,6	144	127	127,1	134	100	114,0	120,4
9	Сурхондарё	116,5	113,5	117,5	104,8	118	110,8	122,5	130	113,0	121,6
10	Сирдарё	111	104,9	120	124,1	128	128,3	135	65	112,0	109,6
11	Тошкент	120	128,5	122	161,9	123,5	148,8	125	110	113,0	125,4
12	Фарғона	118,5	137,9	120	116,2	122	146,6	126	114	116,0	112,5
13	Хоразм	116	127,4	120,2	168	121,5	100	130	106	111,4	115,4
14	Тошкент шаҳри	122	143,2	124,5	143,2	127,8	110	132,1	122	115,0	100,9

Меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш ҳажми 2011 йил бошида 87,4 миллиард сўмни ёки 2010 йил бошига нисбатан ўсиш даражаси 109,0 фоизни ташкил этди. 2012 йил бошида эса режа бўйича 114 фоиз белгиланган бўлса, амалда 106,5 фоиз кўрсаткичга эришган.

Албатта, мамлакатимиз ҳудудларида хизмат кўрсатиш бир хил кўринишга эга эмас. Қишлоқ жойлардаги аҳолига хизмат кўрсатишнинг ривожланиши орқада қолмоқда. Агарда 2011 йил бошида умумий хизмат кўрсатиш ҳажмида қишлоқ жойлардаги хизмат кўрсатишнинг улуши 24 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йил бошида якунларига кўра, ушбу кўрсаткич сезиларли даражада пасайди ва 23,7 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда:

қишлоқ аҳолисига кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ва турини кўпайтириш;

янгиистикболли хизмат турларини жадал ривожлантириш;

хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг ривожлантирилиши устидан мониторингни амалга ошириб бориш;

инвестицияларни (шу жумладан, чет эл инвестицияларини), замонавий технология ва ускуналарнинг жалб этилишини, ахборот ва тушунтириш ишларини, консалтинг, лизинг, суғурта ва бошқа хизматлар ривожлантирилишини ташкил этиш;

кўргазма ва ярмаркаларда, инвестицион ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда кичик тадбиркорлик субъектларининг иштирокини кенгайтириш чора-тадбирларини кўриш;

қишлоқ ҳудудларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида тижорат банклари кредит ресурсларидан кенг фойдаланиш;

тадбиркорлик субъектлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш.

бозор инфратузилмаларини (бизнес-инкубаторлар, ўқув марказлари, консалтинг хизмат кўрсатувчи марказлар) ишини фаоллаштириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

қишлоқ ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантириш муамоларига бағишланган амалий семинарлар ташкил этиш;

савдо-саноат палатасининг маркетинг фаолиятини янада ривожлантириш ва мавжуд муаммо ҳамда камчиликларни ўрганиш мақсадида тадбиркорлар ўртасида мунтазам тарзда сўровномалар ўтказиш.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш мазкур соҳа корхоналарида маркетинг ишларини ташкил этиш ва уни такомиллаштиришни талаб этади.

Бизнинг фикримизча, туристик хизматларни ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амлага ошириш лозим:

- прогноз йилига чет эллик туристлар билан тузилган шартномалар; асосида келувчилар сонини аниқлаб киритиш;
- мавжуд меҳмонхоналарни кенгайтириш;
- тарихий ёдгорликларни тиклаш;
- қурилиши мўлжалланган меҳмонхоналарни аниқлаш;
- чет элликларни юртимизга жалб этиш бўйича янги туристик йўналишларни жорий қилиш ва бошқалар.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, туризм умумий иқтисодий ўсишга, кам тараққий этган ҳудудларнинг ривожланишига кўмаклашади. Бундай ҳудудларда туристик марказларни очиш ва унда кўрсатиладиган туристик хизматлар кўпгина давлатлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий усули ҳисобланади. Тоғ ва қишлоқ жойларида туристик марказларнинг ташкил қилиниши шу жойларнинг ўзлаштирилишига, аҳоли яшаш даражасининг яхшиланишига ёрдам беради.

Демак туризм мамлакатимиз иқтисодиётни нисбатан янги ва энди ривожланиб, ўз мавқеини мустақкамлаб бораётган ва шу билан бир қаторда, истиқболи жуда порлоқ тармоқлардандир.

Шу боис мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов “Ўзбекистон Республикасида 2007-2012 йилларда туристик хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ги 2007 - йил 17- апрел куни имзоланган қарорида туристик хизматлар ва сервис соҳалари ривожлантиришни асосий ёналишларини кўрсатиб берди, бу қарорнинг аҳамияти аҳолини иш билан тامينлаш, даромадларини ошириш ва уларни юксалтиришга оид шароитларни яратишга қаратилганлиги билан белгиланди.

Туристтик хизматлар том маънода инсоният тамаддудининг махсулидир, у бутун жаҳон бўйича муттасил ривожланиб келмокда. Ўз ўрнида шуни ҳам такидлаш жоизки Ўзбекистон ривожланаётган мамлакатлар

қаторидан ўз ўрнини эгаллади ва бизнинг мамлакат туризм соҳаси бўйича жадал ривожланаётган беш мамлакат қаторига киритилди.

Бу ҳақда Жаҳон сайёҳлик ва саёҳат кенгаши (World Travel & Tourism Council) томонидан ўтказилган “Саёҳат ва сайёҳлик саноатининг иқтисодий натижалари 2013” тадқиқотларида акс этган маълумотлар гувоҳлик беради. МДХ мамлакатларидан бу борадаги рейтингнинг ўнталик сафига, шунингдек, Азарбайжон, Қирғизистон, ва Белоруссия ҳам кирган, деб хабар беради ²⁸.

Экспертларнинг таъкидлашича, мазкур рўйхатга киритилган ҳудудлар тарихий ва маданий хилма-хилликка бойлиги билан ажралиб туради. Бироқ илгари бу омиллар Ғарб сайёҳлари орасида кенг тарғиб этилмаган. Ҳозирда мазкур мамлакатларга келаётган сайёҳлар оқими кўпаяётгани ва бу орқали давлатлар иқтисодиётига катта фойда тушаётгани қайд этилмоқда.

Яъни бу соҳа тез ривожланиб келаётган соҳа булгани учун ҳам инвесторларга юқори даромар олиш учун имкон беради, жаҳон экспортдан даромаднинг 7 фоизи туризмга тўғри келади. Туризм хизматларидан олинadиган даромад эса инвесторларни бу соҳага бўлган қизиқишларини кучайтиради. ХХI асрга келиб туризм аҳамияти нуқтаи назаридан жадал ривожланаётган иқтисодий тармоқлардан бирига айланди.

БМТ жаҳон туризми ташкилотининг яқинда эълон қилинган статистик маълумотларига қараганда 2012 – йилда 1,5 миллиарддан ортиқ сайёҳ халқаро сафарга чиққан ва ҳозирда дунё бўйича 195 миллиондан зиёд киши яни дунёдаги жами банд аҳолининг қарийб 8 фоизи туризмда ишлайди. Бу эса янги барқарор ҳамда юқори ҳақ тўланадиган иш ўринларини яратиш борасида туризм имкониятларини анча юқори эканлигини кўрсатади.

Туризмда аҳоли бандлигини таъминлаш уларни даромадларини ошириш айти пайтда минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим манбасига айланмоқда. Ўзбекистон ҳудудида 4 мингдан зиёд меъморий ва санъат обидалари бор. Уларнинг кўпчилиги ЮНЕСКОнинг

²⁸UzDaily.uz.

жаҳон маданий меросига киритилган бўлиб Республикамизда 865 та туристик ташкилот фаолият кўрсатмоқда, фаолият асосан чет эллик сайёҳларни жалб этиш ва уларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган 500га якин туристик корхоналар ишлаб турибди.

Бу туристик корхоналар ва ташкилотларнинг асосий марказлари Самарқанд, Бухоро, ва Хива шаҳарларига тўғри келмоқда. АгардабизбиргинаСамарқандвилоятихақидасўз юритадиган бўлсак, Самарқанд вилоятида 2012 – йилда саёҳатчилар сонининг ўсиши 2011- йилга нисбатан 17.5 фоизга ўсган, чет эллик туристларга хизмат кўрсатишдан тушган даромад эса 15 фоизга ўсган. Бурақамлар туризм соҳасининг ривожлантириш орқали аҳоли бандлик даражаси ва уларни даромадларини ошириш турмуш фаровонлигини яхшилаш имкониятлари юқори эканини яна бир бор кўрсатиб турибди.


Шуни ҳам алоҳида айтиш керакки туризм соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш, туризм инфратузилмасини такомиллаштириш, сервис ва хизмат кўрсатишнинг ривожланиши кўплаб иш ўринларини яратишга замин яратади.

1.2. Миллий туризм хизмат бозорини шакллантиришда «туризм», «туризм хизмат бозори» ва «иқтисодий механизм» тушунчаларининг моҳияти

Туризм соҳаси охириги 30 йил ичида айниқса жадал суръатларда ривожланди. Бу вақт оралиғида халқаро туристлар сони 3,8 марта, бу соҳадан келадиған фойда 25 мартага ўсди. Ҳозирги вақтда туризм соҳасига дунё ялпи маҳсулотининг 6%, халқаро сармояларнинг 7%, иш ўринларнинг ҳар 16-чиси, дунё истеъмол харажатларининг 12% тўғри келмоқда.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг (БТТ) маълумотларига кўра, ҳар йили туристлар сонининг 7% га ўсишини ҳисобга олганда, 2012 йилда туристлар сони бир миллиардга етиши маълум бўлди. Дунё аҳолиси 7 миллиард кишини ташкил этганлиги сабабли, ички туризмни ҳам ҳисобга

олган ҳолда сайёрамиз аҳолисининг қарийб ярми ҳар йили бевосита туризм бизнесига жалб этилади. БТТ тахминларига кўра, яқин ўн йилликларда туризм ҳажмининг ўсиш суръатлари сақланиб қолиб, 2020 йилга келиб, халқаро туристик ташрифлар сони 1,5 миллиардни ташкил этиши керак эди. Аммо 2008 йилда бошланган жаҳондаги молиявий-иқтисодий инқироз туфайли ҳар йилги туристлар сонининг камайиши кузатилмоқда. Лекин Ўзбекистондаги сиёсий барқарорлик ва иқтисодий моделнинг афзаллиги туфайли ҳозирги пайтда хизмат кўрсатилган туристлар сони ва шундан хорижий туристлар сони ҳам ўсиб бормоқда. Ўзбекистондаги туризм соҳасининг 2003-2012 йиллар давомидаги ривожланиш динамикасини «Ўзбектуризм» Миллий компаниянинг статистик маълумотлари кўрсатиб турибди (1.1-расм).



1.1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2003-2012 йиллар давомидаги туристларга кўрсатилган хизматларнинг ўзгариш динамикаси (минг киши)²⁹

²⁹ Манба: «Ўзбектуризм» Миллий Компаниясининг 2003-2012 йиллардаги статистик маълумотлари.

Туризм ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий тараққиётининг кучли катализатори бўлиб, чет эл валютаси ва сармоялар оқими таъминлайди, унга яқин соҳаларнинг тез ўсишига кўмак беради, аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этишда ёрдам беради ва мамлакатнинг дунё ҳамжамиятидаги обрўсини оширади. Бошқа соҳалар билан қиёслаганда анча кам сарф — ҳаражат билан туризм соҳасида катта валюта миқдори келиб тушишини таъминлаш мумкин.

Кўпгина мамлакатларда туризм учта етакчи соҳалар қаторига киради, тез суръатларда ривожланади ва муҳим ижтимоий ҳамда иқтисодий аҳамиятга эга бўлади, чунки туризм:

- маҳаллий даромадни ўстиради;
- янги иш ўринларини яратади;
- туристик хизматлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча соҳаларни ривожлантиради;
- сайёҳлик марказларида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантиради;
- ҳалқ ҳунармандчилиқ марказлари фаолиятининг ривожланишини тезлаштиради;
- маҳаллий аҳоли яшаш даражасининг ўсишини таъминлайди;
- валюта тушумлари миқдорининг ўсишига ёрдам беради.

Туризм соҳасини унинг функциялари нуктаи назаридан кўриб чиқсак, шу нарса аниқ бўладики, туризмнинг классик тарздаги учлиги «туризм + жойлаштириш + кўнгил очиш» ижтимоий иқтисодий соҳа вазифаларининг қарийб ҳаммасини ўз ичига олади. Бундан эса, «туризм турли хил, ўзаро боғлиқ ва бир—бирини тақозо этадиган кичик тизимлардан иборат мураккаб ижтимоий—иқтисодий тизим»³⁰ эканлиги аниқ бўлади.

Туризмнинг амалда мавжуд бўлган, унинг кўп қирралилигини исботловчи кўпсонли таърифлари ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлаши

³⁰ Карпова Г.А., Быков А.Т., Воронцова М.Г. и др. Сфера туризма: этапы развития, экономика и управление. Учебное пособие. - М.: Пресс-сервис, 1998. – 437 с.

мумкин. Амалий туристик фаолият мавжудлиги уни ўрганиш учун назарий-методик ёндашувларни яратиш заруриятини келтириб чиқарди. Статистикада «туризм» деганда, аҳоли миграциясининг яшаш ва иш жойини ўзгартириш билан боғлиқ бўлмаган бир тури тушунилади. Туризм ривожланиши ва оммавий ҳодисага айлана бориши билан саёҳат қилаётган одамларни статистик ҳисобга олиш мақсадида «туризм» тушунчасига берилган дастлабки таърифлар пайдо бўлди.

Давлатлар томонидан туризм учун махсус белгиланадиган божхона, солиқ ва бошқа имтиёзли режимлар қаторига кирадиган ва туризмга тегишли бўлган фаолият турларини аниқлаб олишга асос бўладиган мақсадлар туризмнинг энг муҳим категорияси эканлиги маълум бўлди. Туризмнинг асосий мақсад ва кўринишлари - хордиқ чиқариш, туристнинг завқ ва янги таассуротлар олиши ҳамда соғломлаштирувчи ва даволовчи, профессионал-бизнес, меҳмондорчилик ва бошқалардан иборат.

Туризм асосида икки субтизим ётади: туризм субъекти ва туризм объекти. Туризм субъекти сифатида ўзига хос бўлган туристик хизматлардан фойдаланиб, ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятларини изловчи тадбир қатнашчиси, яъни турист тушунилади. Таклиф қилинган хизматлар эса туризм объекти сифатида намоён бўлади. Саёҳат мақсади бўлиши мумкин бўлган барча нарсалар туризм объекти сифатида тушунилади. Туризм объекти (туризм соҳаси) уч асосий компонентдан иборат: туристик минтақа ёки дестинация (манзил), туристик ташкилот ва туристик корхона. Бирлашган миллатлар ташкилотига (БМТ) қабул қилинган туризмнинг дастлабки таърифи қуйидагича бўлган: «Соғлиқни мустаҳкамлаш ва инсоннинг жисмоний ривожланишига таъсир ўтказадиган, доимий яшаш жойини алмаштириш билан боғлиқ бўлган фаол хордиқ олиш».

Бу тушунчанинг кенгрок таърифи Монте-Карлодаги Туризм академиясида берилган: «Туризм - одамларнинг соғлиқни тиклаш, бўш вақтида билишга чорлайдиган, қизиқишларни қондириш учун ёки касбий-амалий мақсадларда вақтинчалик яшаш жойида маош тўланадиган фаолият билан

боғлиқ бўлмаган ҳолда доимий яшаш жойини вақтинча тарк этишининг ҳар қандай кўринишидир». Бу таърифда асосий урғу ташриф буюрувчиларнинг яшаш жойидан ташқарида олиб борадиган фаолиятига қаратилган.

Ҳозирги пайтда туризм таърифига турли хил ёндашувлар мавжуд. Мисол учун, В.И.Азар бу тушунчани «Туризмга алоҳида бир давлат миллий хўжалиги чегараларида ёки жаҳон хўжалиги миқёсидаги муайян унсурлар ўртасидаги турли алоқалари мавжуд бўлган йирик иқтисодий тизим сифатида қараш лозим», деб таърифлайди³¹.

Н.И.Кабушкин ҳам туризмни «инсонни саёҳат давомида юзага келадиган муносабатлар мажмуи ва узаро алоқа ҳамда ходисалар бутунлиги» сифатида таърифлаб, юқорида келтирилган фикрга яқин таъриф беради³².

М.А.Жукова илмий адабиётларда туризм тушунчасига тугал таъриф йўқ, деган хулосага келади. Унинг таҳлилига кўра, бугунги кунда туризм тушунчасига нафақат турли хил талқинлар берилмоқда, балки бирини иккинчиси билан қиёслаб бўлмайдиган кўпгина ҳодисаларни ҳам қўшиб юбориш ҳолатлари кузатилмоқда, жумладан, маҳаллий тармоқлар ва жаҳон иқтисодиёти соҳалари ҳам шу тизимга киритилмоқда. Бир гуруҳ олимлар туризмни иқтисодий ҳодиса сифатида туристик тур тушунчаси, яъни туроператор ва турагентликлар фаолияти билан боғлайдилар. Бу нуқтаи назарга россиялик баъзи мутахассислар ҳам қўшилишади ва «ташкилотларнинг айрим қисмигина фақат туристлар учун мўлжалланган товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган», деб таъкидлайдилар³³. Бундай фикр тарафдорлари туризмни алоҳида соҳа сифатида ажратиш зарурияти йўқ, деб ҳисоблайдилар. Реал амалиётдан келиб чиқсак, бу нуқтаи назар бизнинг мамлакатимизда ҳам ҳукм сурмоқда. Аммо таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида мавжуд умумдавлат фаолият турлари бўйича хизматлар классификаторининг «Фаолият турлари бўйича

³¹ Азар В.И., Туманов С.Ю. Экономика туристского рынка. - М.: ИПКГ, 1998. - С. 7-8.

³² Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма: Учебник. 4е изд., стереотип. Мн.: Новое знание, 2004. - С. 35-36.

³³ Жукова М.А. Менеджмент в туристском бизнесе: учебное пособие. 2-е изд., стер. М.: КНОРУС, 2006. - С. 16-17.

махсулот классификатори»³⁴ да туризм нафақат халқ хўжалигининг алоҳида тармоғи сифатида қаралмайди, балки иқтисодиёт соҳасининг ёки тармоқларининг мустақил комплекси сифатида ҳам ажратилмайди. Бунинг натижасида АҚШ, Франция, Италия, Испания, Канада, Хитой ва Туркиядан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда туризмни бошқаришнинг ягона тизими ва аниқ статистикаси мавжуд эмаслиги маълум бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «Туризм тўғрисида»³⁵ ги Қонуни асосида «Турист – жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)», деб белгиланган. Хозирги пайтда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тамонидан ушбу қонун лойиҳаси қайта кўрилмоқда.

Туризм кўпгина мамлакатлар иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми бўлиб, у маҳаллий аҳоли бандлигини, меҳмонхона ва отелларни тўлдириш, ресторан, томоша тадбирлари, чет эл валютасининг келиб тушишини таъминлайди. Туризмнинг ички иқтисодий табиати турист ташриф буюрган мамлакатда ўз маблағини, албатта сарфлаб кетишини тақозо этади. Туризм маҳаллий туристик ресурслар эксплуатациясига асосланади ва бунинг эвазига шу минтақа ёки мамлакат фойда олиши керак бўлади. Шунинг учун турист ташриф буюраётган мамлакатнинг ҳеч бир манбасидан маош олиши мумкин эмас, деган фикр кўплаб мамлакатлар ва олимлар томонидан қайд қилинган. Давлат иммиграцион хизматлари ишчи кучи оқимидан хавотирланади ва фақат маҳаллий меҳнат ресурсларининг етишмаслик ҳолларидагина ёки махсус (масалан оғир, зарарли, ифлос) ишларни бажара оладиган муайян соҳа мутахассислари йўқлигида махсус лицензия асосида чет эллик ишчиларни ёллашга рухсат берилади. Шунинг учун туристларга

³⁴ Общегосударственный классификатор услуг Республики Узбекистан, утвержден и введен в действие постановлением Агентства «Узстандарт» от 12 мая 2006 года, № 05.

³⁵ Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни//«Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил, 14 сентябр.

маош олиш мақсадида ишлаш ман этилади ва бу нарса мамлакатга киришга рухсат берувчи хужжат (виза)ларда кўрсатилади. Масалан, Австралия визасида бу мажбурият аниқ қилиб ёзиб қўйилган: «ҳақи тўланадиган иш ёки ўқиш ҳукуқсиз».

Россия туризм Академияси вице-президенти М.Б.Биржаков туризмни қуйидаги фаолият турларидан иборат, деб ҳисоблайди:

- аниқ туризм мақсадлари билан белгиланган махсус оммавий саёҳат тури, бевосита туристлар томонидан амалга ошириладиган фаолият;
- бундай саёҳатларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш (кузатиб бориш) фаолияти. Туристик фаолият туризм индустрияси ва унга яқин соҳалар корхоналари томонидан амалга оширилади³⁶.

Туризмга берилган юқоридаги таърифлардан кўринадики, «туризм», «туристик фаолият» ва «туристик индустрия» каби тушунчалар ўртасидаги фарқни ифодалаб бериш анча мураккаб масала экан.

Туризм соҳасидаги атамалар муаммоси халқаро ташкилотлар диққатини ҳам ўзига тортади. Манилада 1981 йилда қабул қилинган жаҳон туризми ҳақидаги декларацияда кўрсатилишича, «Туризм давлатларнинг ижтимоий, маданий, маърифий ва иқтисодий соҳаларига ва уларнинг халқаро муносабатларига бевосита таъсир кўрсатиши жиҳатидан халқлар ҳаётида муҳим рол ўйнайдиган фаолият сифатида тушунилади».

1981 йилда Бутунжаҳон туристик ташкилоти томонидан Мадридда ташкил этилган халқаро туризм конференцияси материалларига асосан туризм бу - турли минтақалар, янги мамлакатлар билан танишиш мақсадида амалга ошириладиган ва бир қатор мамлакатларда спорт билан боғлиқ бўлган фаол саёҳат турларидан биридир, деб ҳисобланди.

Бир гуруҳ муаллифлар ушбу тушунчага таъриф беришда В.Хунцикер-К.Крапфлар талқинидаги туризмнинг умумий назариясига таянадилар: «Инсонларнинг муносабатлари ва уларнинг яшаш жойидан ташқаридаги

³⁶ Биржаков М.Б. Введение в туризм. – Издания 9-е переработанное и дополненное. – Спб.: «Издательский дом Герда», 2007. – 576 с.

фаолияти доимий яшаш тарзига айланмасдан ва меҳнат ҳақи олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда кун кечириши натижасида келиб чиқадиган муносабатлар мажмуаси»³⁷. Туризмни бу йўсинда тушуниш унинг туроператорлик ва турагентлик фаолиятидан анча кенг тушунча эканлигидан далолат бермоқда. Шунини алоҳида айтиб ўтиш керакки, туризм умумий назариясига берилган бу таърифларда одамларнинг доимий яшаш жойидаги ўзаро муносабатлари ва яшаш жойидан ташқарида даромад олиши билан бўлган муносабатлари ҳисобга олинмайди. Шунингдек, туристларга турли туристик мақсадларни кўзловчи ахборотни етказиб, уларни саёҳатга ундайдиган хизматчилар ўртасидаги муносабатлар назардан четда қолмоқда. Туристларни транспортда олиб юриб, уларни кузатиб борадиган, уларнинг овқатланишида хизмат қилиб, доимий яшаш жойидан ташқарида бўладиганлар-чи? Даромад олиш ва қўлқонлигини таъминлайдиган, улар учун ўзларининг далаларида маҳсулот етиштирадиган, йўллар, меҳмонхона, аэропорт, вокзалларни куриб эксплуатация қиладиган, уларнинг алоқа ва ҳавфсизлигини таъминлайдиган, умуман олганда, туризм бизнеси кенгайиб ва ўсиб бораётган бир пайтда бу фаолият учун кадрларни тайёрлаб берадиган одамлар билан боғлиқ бўлган муносабатлар-чи? Туристлардан фарқли равишда, буларнинг барчаси ўзининг доимий яшаш жойларида фаолият кўрсатади ва даромад олишга ҳаракат қиладилар.

Шу саволларни ҳисобга олган ҳолда, бизнинг фикримизча, туризмга берилган таърифлар “истеъмолчи” нуқтаи назаридан тўлиқ эмас ва ушбу ҳодисанинг моҳиятини тўлиқ акс эттирмайди. Таърифни тўлдириш учун ушбу фаолиятнинг ишлаб чиқариш қисмини ҳам ҳисобга олиш лозим: туризм тушунчаси доирасига туристик бизнес соҳасида мавжуд бўлган хизмат ва товар ишлаб чиқаришни ҳам киритиш лозим. Айнан шулар жаҳон туристик хизматлари бозорида юзага келадиган талабнинг ажралмас қисми бўлган таклифни таъминлаб туради. Туризм бизнесининг бу иккала томонининг

³⁷ Лукачева Л.И., Квартальнов В.А., Исаев В.А. и др. Менеджмент туризма: Основы менеджмента: Учебник. -М.: Финансы и статистика, 2002. – С. 42-43.

бирлиги ва ўзаро алоқаси дунёдаги ўсиб бораётган туристлар оқими хилма-хиллигининг нормал фаолияти учун зарур бўлган шартлардан биридир. «Туризм» тушунчасини қамраб олган муносабатлар нафақат туристик оқимга кирган туристларнинг истак ва талабларини, балки туристлар учун зарур бўлган хизматлар тўпламини ишлаб чиқаришда қатнашадиган ва туристлар учун нормал шароит яратиб берадиган инсонларнинг ҳам хизматини акс эттириши лозимдир.

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосага келишимиз мумкин, ҳозирги пайтда туризмга уч хилдаги умумий таъриф берилмоқда. Биринчиси тор маънодаги таъриф бўлиб, унга биноан бу тушунча туристик корхоналар фаолияти билан чегараланади. Иккинчиси бир ёқлама истеъмолчига қаратилган бўлиб, бу таърифга асосан туризм фаолияти доимий истиқомат қилиш жойидан ташқарида ва ишлаб чиқариш ташвишларидан холи ҳолатда хизмат ва товарларни истеъмол қилиш жараёни сифатида тушунилади. Учинчисига кўра эса, туризм тушунчаси жамиятда инсонларнинг истиқомат қилиш жойидан ташқарида бўш вақтидан фойдаланиши ва бунинг учун зарур бўлган хизмат ва товарлар турларини қайта ишлаш шартлари билан боғлиқ бўлган муносабатлар мажмуасини ифодалайди.

Бизнингча, сўнгги таъриф нафақат кенг ва атрофлича, балки туризмнинг жамиятдаги ўрнига янги сифат ва баҳо беради. Бунга, биринчи навбатда, туризм соҳасига, реклама – ахборот хизматлари, транспорт, қурилиш, қиш-лоқ хўжалиги, қайта ишлаш каби тармоқлар билан бошланадиган ҳамда таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва маданият каби тармоқлар билан тугайди-ган кенг миқёсдаги фаолият турлари кириши сабаб бўлади.

Ҳозирги пайтда туризм миллий иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқ бўлган, мақсади инсонларнинг бўш вақтида дам олиши ва саёҳат қилишининг турли хилларига ҳамда мавжуд бўлган туристик ресурслардан самарали тарзда фойдаланишга, тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган

фаолиятни таъминловчи корхона ва тармоқларининг мажмуини ифодаловчи иқтисодий категория сифатида кўрилиши лозим бўлмоқда.

Хозирги пайтда «иқтисодий механизм» тушунчасининг таниқли олимлар, мутахассислар томонидан турлича талқин қилинаётганлиги маълум. “Механизм” тушунчаси иқтисодиёт соҳасига кенг миқёсда татбиқ этилмоқда ва “молиявий механизм”, “бошқарув механизми”, “ижтимоий-иқтисодий тараққиёт механизми” каби тушунчалар бўлиб ифодаланмоқда³⁸. Бунда “механизм” тушунчаси айрим пайтларда тизимдаги ҳолатнинг мажмуасини (масалан, “молиявий механизм” – молиявий тизим ҳолатининг умумий кўринишини), бошқа пайтда эса, тараққиётнинг асосий ҳаракат манбаси, тизимнинг асосий элементи, унинг бошқа элементлар билан ўзаро таъсир этиш хусусиятларини англатади.

Бундан ташқари, “механизм” тушунчасининг маъноси бошқа кўринишда ҳам тасаввур қилинади. Бинобарин, айрим олимларнинг фикрича, “хўжалик механизми ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг таркибий қисмларини бошқаришнинг ўзаро боғлиқ шакл ва методлари тизимидир”³⁹. “Механизм” баъзан ишлаб чиқариш муносабатларининг объектив шаклда намоён бўлиши бўлса (режалаштириш, меъёрлар, намуна, нарх, даромад ва ҳоказо), бошқа ҳолатда амалиётдаги хўжалик юритиш усули сифатида қаралади.

Иқтисодиёт соҳасига оид адабиётларда эса хўжалик механизми, одатда, маълум шароитда иқтисодий қонуниятлар ва ишлаб чиқариш жараёнини ҳаракатга келтириш воситаси хизматини ўтайдиган шакл ва методлар ҳамда ҳуқуқий нормалар умумлашмаси сифатида талқин қилинади⁴⁰. Бу талқинга амал қиладиган бўлсак, “хўжалик механизми”ни бирор бир замон ва макон доирасида маълум қонуниятлар асосида ўз-ўзидан ҳаракат қиладиган ҳодиса кўринишида тасаввур қилиш лозим бўлади. Бизнингча, бундай талқин бир оз ноаниқ ва мавҳумдек кўринади. Натижада, ушбу доирага ишлаб чиқариш,

³⁸ http://dic.academic.ru/dic.nsf/dic_economic_law/17156/.

³⁹ http://abc.informbureau.com/html/oicssenoaiiue_jaoaieci.html

⁴⁰ Райзберг Б., Лозовский Л., Стародубцева Е. Современный экономический словарь.- М.: Инфра-М., 1997.-486с.

хизмат кўрсатиш, даромад тақсимоти ва алмашинув соҳаларига оид ҳар қандай ҳодисани киритиш мумкин бўлади.

Айтилганлардан кўриниб турибдики, соҳага оид адабиётларнинг кўпчилигида иқтисодий ва ҳўжалик механизмига таъриф беришда аниқ мазмунга эга бўлган тушунчалар мавжуд эмас ⁴¹. Бунинг оқибатида берилаётган таърифларда “иқтисодий механизм” ҳодисасининг асл моҳияти ўз ифодасини топмайди. “Иқтисодий механизм” тушунчаси ҳақида ягона фикрнинг йўқлиги, ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари тараққиётининг (объектив ва субъектив) омилларига турлича ўлчамлар киритиш ҳолати юзага келишига сабаб бўлмоқда. Кейинги пайтларда, “иқтисодий механизм” ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг бозор иқтисодиёти талаби асосидаги бошқарувининг, ҳукумат вазифаларига мос равишда тартибга келтирилиш ҳолати кўринишида ҳам тасаввур қилинмоқда ⁴².

Маълумки, 2007 йилда иқтисодиёт соҳасидаги Нобель мукофоти Лео Гурвиц (Leo Hurwicz), Рожер Мейерсон (Roger Myerson) ва Эрик Маскин (Eric Maskin)ларга “иқтисодий механизм назариясига қўшган беқиёс хизматлари” учун берилган эди. Мукофот соҳибларининг эътирофича, иқтисодиёт соҳасида фаолият кўрсатувчи ҳар қандай субъектларнинг ўзаро муносабати ўйин стратегиясини тақозо этади ва бу муносабат ўйин шаклининг механизмидир ⁴³.

Шундай қилиб, биз “иқтисодий механизм” иқтисодий жараёнларни бошқариш, уларга таъсир ўтказиш воситаси ва усуллари мажмуасидан иборат, деган фикрга тўла қўшиламыз ⁴⁴. Туристик бозор фаолияти механизмини туристик маҳсулот таклифи ва талабини мувофиқлаштириш учун зарур бўлган иқтисодий ҳаракатлар тизимидир, деб ҳисоблаймиз.

Туристик хизматлар бозорини таҳлил қилар эканмиз, биз тадқиқотимиз объектини туризм бозорининг биргина, бироқ энг муҳим сегментидаги, яъни

⁴¹ Якимкина Н.В. Экономический механизм антикризисного управления Справочник экономиста. 2007. №1.- С.120-128.

⁴² Полянский А., Соловьев М. Систематизация механизмов государственного регулирования на рынках недвижимости // Недвижимость и инвестиции. Правовое регулирование. №4(9), 2001.

⁴³ Теория экономических механизмов (Нобелевская премия по экономике 2007 г. часть №1) Vol. 97, No 1. P. 169-179

⁴⁴ Райзберг Б., Лозовский Л., Стародубцева Е. Современный экономический словарь.- М.: Инфра-М., 1997.-486с.

туристик фирмалар фаолиятидаги муносабатлар билан чегаралаймиз. Таърифларга кўра, туристик фирмалар саёҳатлар ташкилотчиси ва туристларга хизмат кўрсатувчи сифатида ўзида туризм индустриясидаги бозор иқтисодий муносабатлари тизимининг асосий ҳалқасини ташкил этади. Шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, ғоят муҳимлигига қарамасдан, туризм индустриясидаги бозор муносабатларининг айнан шу соҳаси ҳозирги пайтгача етарлича ёритилмай келмоқда.

Туризм хизмат бозори ўзига хос ҳодиса бўлиб, унинг таъсир доираси туристик маҳсулотни яратувчи ва истеъмолчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар билан ифодаланади. Ҳар бир туристик маҳсулотни яратувчи ва истеъмолчи ўз иқтисодий мақсадига эга ҳамда бу мақсадлар ҳар доим ҳам ўзаро бир-бирига мувофиқ келмаслиги мумкин, аммо мувофиқ келганда, туристик маҳсулотнинг сотиш жараёни содир бўлади. Туристик маҳсулотни сотиш ва харид қилиш ҳаракати мақсад ва фойданинг мос келишини тақозо этади. Шу сабабли бозор ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ўзаро муносабатини мувофиқлаштирувчи восита бўлиб хизмат қилади. Туризм хизмат бозори – ҳўжалик юритувчи субъект (туроператор, турагент) яратган маҳсулотни харид қилиш имкониятига ва эҳтиёжига эга бўлган истеъмолчи-туристлар фаоллигини юзага келтирувчи макондир.

Туризм хизмат бозори – туризм маҳсулотларини сотувчи ва хариддорлар учрашадиган ҳудуд бўлишдан ташқари, ушбу субъектлар мақсадларини мувофиқлаштирувчи восита, туристик маҳсулот тарқалишини таъминловчи, ушбу маҳсулотни яратувчи ва харид қилувчилар иқтисодий муносабатлари фаоллашадиган майдондир. Туризм хизмат бозорини кенг маънода туристик маҳсулотни (турларни, алоҳида туризм хизматларини ёки туристлар учун товарларни) сотиш ва харид қилиш амаллари юзага келадиган ҳудуд, деб қараш мумкин. Бироқ бу амаллар ягона бир ҳудуд доирасида (масалан, бирор бир меҳмонхонада) бажарилиши шарт эмас. Туристик маҳсулотни сотиш учун сотувчи ва хариддорнинг бевосита учрашиши шарт ҳам эмас, бу амал ахборот

технологиялари, Интернет, телекс, факс, телефон воситаси орқали бажарилиши мумкин.

Хуллас, туризм хизмат бозорини туристик маҳсулотни яратувчи ва унинг харидорлари (яъни турист, турагент, туроператор) ўртасида бўладиган иқтисодий муносабатларни юзага келтирадиган жараён сифатида таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Туристик хизматлар бозори ва улар иқтисодий механизмининг шаклланиши ва ривожланишининг замонавий тенденциялари кейинги параграфларда батафсил таҳлил этилади.

1.3. Туризм хизмат бозори иқтисодий механизмини шакллантириш ва ривожлантириш тенденциялари

Туризм хизмат бозори туристик хизматларнинг харидори (талабни тақдим этувчилар) ва сотувчиларни (маҳсулот билан таъминловчи) бирлаштирувчи институт сифатида қаралади. Бошқа товар бозорларидан фарқли ўлароқ, туристик хизмат бозорида товарнинг сотувчидан харидорга кўчиши кузатилмайди, балки харидорлар, яъни туристлар тайёрланган хизматларни, турмаҳсулотни олиш учун белгиланган манзилга қараб ҳаракат қилишади.

Туристик хизмат бозорининг моҳияти унинг вазифаларида ифодаланади. Қуйидагиларни туристик хизмат бозорининг асосий вазифалари сифатида кўрсатиш мумкин:

- туристик маҳсулотнинг таннархи ва истеъмолчи нархларини белгилаш;
- туристик маҳсулотнинг истеъмолчигача етиб бориш жараёнини ташкил этиш;
- меҳнатга бўлган моддий манфаатларни иқтисодий жиҳатдан асослаб бериш.

Туристик хизмат бозорининг биринчи вазифасини бажариш жараёнида нарх ҳаракати амалга оширилади ва бу нарса пулни туристик маҳсулотга алмаштиришда акс этади. Бу алмаштиришнинг амалга оширилиши товар-пул

муносабатларининг тугалланишини, туристик маҳсулотда мужассамлашган нархнинг сотилишини ва маҳсулотнинг истеъмолчи учун белгиланган нархнинг жамият томонидан тан олиншини ифодалайди. Натижада, ижтимоий қайта ишлаш жараёнининг бир меъёрга бориши таъминланади ҳамда туризм индустрияси ривожланиши учун қўшимча пул маблағлари пайдо бўлади ва жамғарилади.

Туризм хизмат бозорида туристик маҳсулотни истеъмолчига етказиш вазифаси уни ўтказиш бўйича турагентлар ва туроператорлар тармоғини яратиш орқали амалга оширилади. Меҳнатга бўлган моддий манфаатларни иқтисодий таъминлаш вазифаси туристик хизмат бозорида тақсимот «пул–туристик маҳсулот» алмашинуви жараёнида зарурий босқич сифатида тугалланган кўринишда ифодаланади. Ўз меҳнати учун маош оладиган туристик фирма ишчиларида сифатни ўстириш ва туристик маҳсулот миқдорини кўпайтириш, уни истеъмолчилар талабларига биноан ишлаб чиқариш борасидаги моддий манфаатдорлик мақсади ҳосил бўлади⁴⁵.

Туристик хизмат бозори субъектлари, яъни туристик маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва истеъмол қиладиган жисмоний ва юридик шахсларнинг мавжудлиги билан характерланади. Туристик хизмат бозорининг учта субъектини ажратиб кўрсатиш мумкин: туристларнинг ўзлари (турмаҳсулот истеъмолчилари), туроператор ва турагентлар. Туристик хизмат бозорининг ишлаш механизми деганда, туристик маҳсулотга, «пул–туристик маҳсулот» алмашинувига, пул ва туристик маҳсулот оқимларига бўлган талаб ва таклифнинг мутаносиблигини таъминлаш учун бажариладиган иқтисодий механизм тизими тушунилади.

Туристик хизмат бозорининг фаолиятини қуйидаги чизма (1.2.1-расм) орқали акс эттириш мумкин:

⁴⁵ Квартальнов В.А. Менеджмент и маркетинг в социально-культурной сфере: Учеб.пособие, 2-е изд.- СПб.: Книжный дом, 2003. – 644 с.



1.2.1-расм. Туристтик хизмат бозорининг фаолияти

Туризм соҳасининг миллий иқтисодиётнинг бир тармоғи сифатида ўзига хослиги, унинг маҳсулоти муайян турдаги хизматлардан фойдаланишга бериладиган ҳуқуқ бўлиб, бу хизматларнинг ўзи эса иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида яратилади⁴⁶. Туризмнинг давлат иқтисодиётига кўрсатган ижобий таъсири мамлакатда у фақат ҳар томонлама ривожлангандагина, яъни давлат иқтисодиётини хизматлар иқтисодиётига айлантирмаганда

⁴⁶ Зайцева Н.А. Менеджмент в социально-культурном сервисе и туризме: Учебник. - М.: Академия, 2003. – 224 с.

амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда, туризм самарадорлиги унинг мамлакатдаги бошқа ижтимоий-иқтисодий тармоқлари билан параллел равишда ва ўзаро алоқада ривожланишини тақозо этади.

Туризм бозори шаҳарсозлик стратегиясига ҳам катта таъсир ўтказади, аҳолининг эҳтиёжларини қондириш эса, албатта, ўнлаб ва юзлаб миллион хорижий валютани олиб келадиган туристик оқимлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ бўлади. Бу ҳол қонуниятга айланиб боради, чунки туристлар сонининг ўсиши билан маҳаллий товар ва хизмат ишлаб чиқаришдан олинадиган даромад туризм индустрияси ва унинг шиддатли ўсиб бораётган ҳамда мазкур минтақа ва унинг яқинидаги минтақалардаги барча тармоқларда кузатиладиган туризмнинг мультипликатив самараси таъсири остида бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, туризм хизмат бозорининг иқтисодий моҳияти кўп жиҳатдан туризмда кенг қамровли бўлган мультипликатив самара таъсирига асосланади. Туризм назариётчиларидан бири бўлган Ирена Енджейчикнинг таъкидлашича, «мультипликатив самаранинг таъсири натижасида туризмда яратилган битта иш ўрни туризм билан ҳамкорлик тизими орқали боғланган бошқа соҳа ва тармоқларда етти та янги иш ўрнини яратади»⁴⁷.

Шу хусусияти сабабли, туризм соҳаси Ўзбекистоннинг кўпгина, айниқса, рекреацион имкониятлари мавжуд минтақаларининг ҳар томондан ривожланиши учун сифат жиҳатидан янги давр бошланишига тўртки бўлиши мумкин. Бу ҳол эса, фикримизча, Ўзбекистоннинг Жанубий ҳудудлари бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Термиз вилоятлари ва бутун Фарғона водийси учун муҳимдир. Бу воҳалар туризм соҳаси ҳисобига нафақат ўзларининг ривожланиш тезлигини ошириши, балки йиғилиб қолган ижтимоий – иқтисодий муаммоларини ҳам ҳал этиши мумкин. Туристлик фаолиятнинг комплекс табиати туризмнинг кенг маънода тармоқлараро, тармоқлар ичидаги ва хўжаликлараро ҳолатини кўриб чиқишни тақозо этади.

⁴⁷ Енджейчик И. Современный туристский бизнес. - М.: Финансы и статистика, 2003. – С.10-11.

Фикримизча, туристик хизмат бозорининг моҳияти ва таркибини аниқлашда туристик хизматларнинг ўзига хослигини очиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Туристтик хизматлар анъанавий моддий материал эмаслиги, сезилмаслиги, истеъмолчининг бевосита сервис жараёнида иштирок этиши, ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг ажралмаслиги каби белгилар бу турдаги хизматларни тўлалигича ифодалайди. Туристтик хизматларнинг хусусиятларини тадқиқ қилишнинг янги имкониятлари жамиятга фойда келтириши ва унинг ташқи таъсирлари концепцияларини қўллаш билан боғлиқ, деб ўйлаймиз.

Туризм хизмат бозорининг ижобий ёки салбий бўлиши мумкин бўлган ташқи таъсир кучлари ҳам мураккаб равишда намоён бўлади. Ижобий таъсирлар қаторига аҳоли яшаш шароитининг яхшиланиши, сармояларни туристик индустрияга кўчириш, ижобий гуманитар-тарбиявий таъсир кўрсатиш, коммуникатив имкониятларнинг кенгайтирилиши, ўзга маданиятлар, урф-одатлар билан танишиш кабилар киради. Салбий ижтимоий таъсирлари ҳам мавжуд бўлиб, булар қаторига мамлакатга ёт бўлган одатлар, феъл-атворлар ва руҳиятнинг сингиши, атроф-муҳитнинг ўзгариши, криминоген ҳолатнинг вужудга келиши ва бошқа шу каби ҳолатлар киради.

Бутунжаҳон туристик ташкилот (БТТ) ва «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг таҳлилига асосан, туризм соҳасида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти миллий иқтисодиётнинг 32 та тармоғи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг ривожланишига таъсир ўтказади.

Туризм бозорида туристларга хизматлар ва товарларни таклиф этиш жараёнида тармоқларнинг ўзаро муносабатларидаги мураккаблик туристик индустрияга тегишли бўлган фаолиятларни аниқлаб олиш учун қийинчилик яратади. Бу борада Бутунжаҳон туристик ташкилот (БТТ) томонидан ишлаб чиқилган ва 1993 йилда Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) Статистик комиссияси томонидан қабул қилинган “Туризм соҳасида амалга

ошириладиган фаолият турларининг Халқаро стандартлар тавсифи” (СИКТА) бу борада энг истиқболли ҳисобланади.

Уни яратиш ва қўллашдан мақсад туризм ҳақидаги аниқ маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатишнинг методологик асосини таъминлашдир. Бунда маълумотлар камровининг тўлалиги (репрезентативлиги), миллий ҳисоблар тизимида туризмдаги иқтисодий фаолият турлари таснифининг ягона тамойилларини қўллаш, маълумотнинг мамлакатшунослик жиҳатидан қиёсланиши, тўлов баланси ҳисобларининг ҳаққонийлигини аниқлашда туризмнинг Халқаро савдо ривожланишига қўшган ҳиссасини жорий қилиш муаммолари ҳал этилади⁴⁸.

Мураккаб гуруҳлаштириш асосида туризм соҳасида омалга ошириладиган фаолият турларининг Халқаро стандартлар таснифида кўрсатилган туризм индустрияси тузилиши билан таништиради ва шу билан бирга унинг таркибига кирадиган соҳаларнинг ўзаро узвий муносабатларини ҳамда уларнинг туристлар умумий сарф-ҳаражатлари таркибидаги улушини алоҳида кўрсатиб ўтади. СИКТА туризм билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган фаолият турларининг хилма-хиллигини тартибга солиш муаммосини ҳал этишга ёрдам беради. (Илова 1)

Туризмга ихтисослашган фаолият турларини фарқлашда СИКТА меҳмонхона, кемпинг ва шунга ўхшаш бошқа турар жой билан таъминлайдиган хусусий хизматларни алоҳида тавсифлайди. Туризмдан тушадиган фойда таркибида бу фаолият тури келтирадиган даромад фоизи катта ҳисобланади, бироқ туристлар мазкур хизмат турига сарфлайдиган пул миқдори қуйидагича тақсимланган:

а) ўртача миқдор бу - ресторани бўлган ва ресторани бўлмаган меҳмонхона ва мотелларда;

б) кичик миқдор бу- ёшлар меҳмонхоналари ва ётоқхоналар, кемпинг ва бошқа шу каби ётоқ билан таъминлайдиган воситалар учун.

⁴⁸ Ильина Е.Н. Туроперейтинг: организация деятельности: Учебник. - М.: Финансы и статистика, 2000. – 251 с.

Ресторан, бар ва ошхоналар кўрсатадиган хизматлар иловада қисман туризмга тегишли, деб таснифланган ва улар туристик ҳаражатларнинг умумий миқдорида ўртача улушга эга бўлган фаолият турлари сифатида кўрсатилади.

Мазкур таснифни тузиш ва фойдаланишдан мақсад туризм ҳақидаги статистик маълумотларни йиғиш, ўрганиш ва тарқатиш учун методологик замин яратишдан иборат. Бу жараёнда маълумотларни тўлиқ қамраб олиш, уларни туризм соҳасидаги иқтисодий фаолият турларини таснифлаш бўйича ягона миллий ҳисобга олиш тизимини татбиқ этиш, маълумотларнинг мамлакатлараро қиёсий таснифи, туризмнинг тўлов баланси ҳолати ва халқаро савдо ривожланишига қўшаётган ҳиссаси тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилиги каби масалалар ўз ечимини топади.

СИКТАнинг методологик ёндашувлари таснифий белгиларни аниқлашга қаратилган. Таснифий хусусиятларга эса, биринчидан, туристик сарф-ҳаражатларнинг йўналишлари, иккинчидан, туристларнинг товар ва хизматларга бўлган талаби ва истеъмоли киритилади. Туристик сарф-ҳаражатларнинг таснифий мезон сифатида қаралиши белгиланган вазифани тўлиқ ҳал этишга имкон яратмайди, чунки туристларнинг миллий иқтисодиётнинг барча соҳасидаги сарф-ҳаражатини аниқлаш мушкулдир. Туристик фаолият жозибадор бўлганлиги туфайли у иқтисодиётнинг қатор тармоқлари билан алоқада бўлади, шунинг учун туристларнинг йўналиши ва ҳаражатлари миқдорини ҳисобга олиш анча мураккаб.

Туризм хизмат бозорида туристларнинг товарга бўлган эҳтиёжлари ва уларни истеъмол қилиш ҳам таснифий мезон сифатида туризм индустриясининг кўлами ва таркибининг ишонарли баҳоланишига тўлиқ имконият яратмайди. Чунки миллий ҳисоботлар тизими ва қўлланиладиган таснифлар сарф-ҳаражатларнинг шаклланишида тармоқлар ва иқтисодий фаолиятнинг якуний натижаларини ҳисобга олишга асосланган. СИКТАни ишлаб чиқиш жараёнида икки методологик ёндашувни бирлаштириш мақсади амалга оширилган, бу, ўз навбатида, туристлар ҳаражатларининг

таснифий белги сифатидаги афзалликларининг ўсиши билан бир пайтда, туристларга таклиф этиладиган маҳсулот ва хизматларнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олиш имкониятини яратди. Мураккаб туркумларга бўлиш орқали СИКТА туризм индустриясининг тузилиши ҳақида тўлиқ тушунча беради ва айти пайтда, унга кирадиган тармоқларнинг ўзаро яқин алоқаси ҳамда уларнинг туристлар харажатлари умумий бирлигига қўшиши мумкин бўлган ҳиссасини кўрсатади. СИКТА туризм соҳаси билан у ёки бу соҳада алоқадор бўлган фаолият турларининг хилма-хиллигини тартибга солиш муаммосини ечади. Бироқ, СИКТА қўллайдиган методология туризмга тегишли бўлган фаолият турларининг устуворлиги ҳақидаги саволларни охиригача ҳисобга олмайди. Аслида, давлат бошқаруви, маблағ билан таъминлашни асослаб бериш ва инвестицион сиёсат, молиялаштираш усуллари ва манбаларини оптималлаштираш учун бу нарсалар жуда муҳим. Туризм дестинацияларидаги ресурсларнинг самарасиз тақсимланиши туризм индустриясининг мультипликатив самара таъсирини камайтиради, баъзи ҳолларда эса умуман йўққа чиқаради.

Ўзбекистонда туризм соҳасидаги хизматлар бозори бозор иқтисодиёти ислохотлари ва хусусийлаштираш жараёнлари давомида ўтган ўн йилликнинг биринчи ярмидан шакллана бошлади. Шу пайтгача бозорнинг мазкур сегменти доирасида олиб бориладиган фаолият давлат томонидан қаттиқ назорат қилинар, давлат барча хизматларнинг асосий таъминотчиси эди. Мустақилликка эришилгандан буён туристик хизматлар бозорида доимий ривожланиш жараёни давом этмоқда. Ўзбекистонда туризмнинг, бошқа хизматлар соҳалари каби улуши нисбатан паст, барча хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши 49% ни ташкил этади, ривожланган давлатларда эса бу улуш 65% ни ташкил этади. Бироқ бундан 10 йил олдин унинг Ўзбекистондаги улуши атиги 18 % атрофида эди. Туризм сектори иқтисодиётдаги ўзгаришларга таъсирчан ҳисобланади, чунки инфляция суръатлари ва аҳоли даромадларининг ўсиши ўртасидаги мутаносиблик туристик маҳсулотга бўлган талаб миқдорини белгилайди. 2008 йилнинг

бошидаги молиявий иқтисодий инқироз жараёнлари туристик маҳсулот нархининг ўсишига ва бунинг натижасида туристик муассасаларнинг хизматларига бўлган тўлов қобилиятининг пасайишига сабаб бўлди.

Ўзбекистонда етарли даражада табиий, маданий ва бошқа тарихий омиллар мавжуд бўлган бир пайтда, туризм хизмат бозори мамлакатнинг умумий ижтимоий-иқтисодий салоҳияти талабига жавоб бермайди. Сайёҳларни жойлаштиришнинг моддий базаси меҳмонхона, пансионат, дам олиш уйлари ва базалари ҳамда санаторий-курорт муассасалари маънан ва жисмонан эскирган. Бошқа томондан, жаҳоннинг энг юқори стандартларига жавоб берадиган туристик объектлар қурилиш суръатларининг ошганлиги, чет эл сафарларига чиқиш ҳолатлари кўпайганлиги Ўзбекистонда туристик ташкилотлар сонини кўпайтиришга барча имкониятлар ва тўлалигича асос борлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда туризм хизмат бозорининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш унинг ривожланишидаги қуйидаги тенденцияларни аниқлашга имкон берди:

- четга чиқиш туризмнинг устуворлиги туристик фирмаларнинг миллий туроператорлик фаолиятини янги хизматлар тайёрлашга бўлган иштиёқи пастлиги билан изоҳланади, чунки Ғарб мамлакатларида тузилган турпакетлар асосида ишлаш осонроқ. Буларнинг барчаси эса капиталнинг чет элга оқиб чиқишига олиб келмоқда;
- туристик фирмалар сони туристик хизматларга бўлган талабдан юқори, бунинг натижасида туризм бозоридаги ўткир рақобат кучаяди;
- мавжуд бўлган моддий база инвестиция ва таъмирлашга муҳтож, чунки унинг ҳозирги ҳолати жаҳон стандартларига жавоб бермайди;
- Ўзбекистон ҳудудларида меҳмонхона хўжалигида зарарга ишлаш анъанаси сақланиб қолмоқда;
- чет эл меҳмонхона компанияларнинг Ўзбекистон бозорига кириб келиш жараёни давом этмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар нафақат туризм соҳаси ривожланишининг жадаллашишига, балки мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида алоҳида ўрин тутганлиги сабабли, олдин имкони бўлмаган янги туристик хизмат турларининг яратилишига олиб келмоқда. Умуман олганда, Ўзбекистондаги туризм индустриясини ҳали ҳам шаклланиш жараёнини бошидан кечираётган индустрия – *infant industry*, деб ҳисоблаш мумкин. Бу ҳолат туризм хизмат бозори ривожланиши ва бошқариш стратегиясига ҳар томонлама режалаштирилган ҳамда чет эллик ва маҳаллий турмаҳсулот етказиб берувчиларнинг қизиқишлари балансига амал қиладиган ёндашувни талаб этади. Бир томондан, ўзбекистонлик тадбиркорлар қизиқишларининг ҳимоясини таъминлаш, иккинчи томондан эса, туризм бозорида чет эллик тадбиркорлар иштирокида рақобатли муҳит яратиш керак. Буларнинг барчаси, сўзсиз, бозорда ўзбекистонликларнинг фаолиятини рағбатлантиришга олиб келади. Иқтисодиёт инфратузилмасининг асосини ташкил этган транспорт, телекоммуникация, молиявий хизматлар ривожланишининг давом этиши туризм хизмат бозори ривожланиши учун ҳам катта аҳамиятга эга. Шунини ҳам айтиб ўтишимиз лозимки, туризм соҳаси катта маблағ сарфланишини талаб этмайдиган, ижтимоий барқарорлик омили сифатида хизмат қиладиган ва ҳудудда янги ишчи ўринларнинг яратилишини таъминлайдиган хизмат секторларидан биридир.

Туризм соҳасининг иқтисодий ривожланиши, шубҳасиз, унга мос келадиган қонунчилик базасининг яратилиши билан мустаҳкамланиб туриши керак. Туризм соҳасининг ривожланиш динамикаси Ўзбекистон қонунчилик тизимида ҳали тўла ифодасини топмаган. Қулай иқтисодий ва инвестицион муҳит яратиш мақсадида корхоналарнинг рўйхатдан ўтказилишини содда-лаштиришни, лицензияга эга фаолият турларининг рўйхатини қисқартиришни ва ташкилотларни текшириш ҳолатларининг камайтирилишини тақозо этадиган иқтисодиётни бюрократлаштиришдан холи қилиш чоралар комплексини амалга ошириш лозим. Хорижлик сармоядорларни жалб этиш

учун бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимига жаҳон стандартларини татбиқ этиш тадбирлари олиб борилиши керак.

Чет эллик ва маҳаллий тадбиркорлар фаолияти учун рақобатли муҳит яратиш ва назорат чораларининг оптимал уйғунлигини таъминлайдиган туризм хизмат бозорининг бундан кейинги шаклланишига эҳтиёж, айниқса, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига чиқиш муҳотида яққол сезила бошлади. Чет эл сармоясининг келиши сабабли туристик бизнеснинг кейинги ривожланиши учун жуда зарур бўлган молиявий ресурслар, илғор технологиялар, хизмат ва бошқарувни амалга оширишнинг самарали усулларига эга бўлади. Ҳозирги пайтга қадар Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида туризм хизмат бозорининг тутган ўрни ҳали тўла эътироф этилмаган. Бироқ, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда айнан ички туризм хизмат бозорига бўлган қизиқиш кузатилмоқда. Эҳтимол, айнан туризм соҳаси келажакда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштирадиган соҳа бўлиши мумкин. Ҳали ҳам хорижга чиқувчи туризм бозори кирувчи туризм бозоридан устун бўлмоқда, натижада валюта келиб тушишининг муҳим манбаи ва экспорт савдосининг фойдали шакли бўлган кирувчи туризм бозори яхши ривожланмай қолмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон дунё туристларининг атиги 0,1% дан ҳам кам қисмини қабул қиляпти.

Чиқувчи туризм бозори қўшимча рағбатлантирилишга муҳтож эмас, аммо кирувчи туризм бозорининг ҳозирги ҳолати талаб даражасида эмас, уни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш лозим, зеро, у мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга жуда катта фойда келтирадиган сердаромад соҳалардандир. Ўзбекистонда кирувчи ва чиқувчи туризм бозори асосида ривожланаётган туристик бизнес нафақат туризм индустриясига, балки ноишлаб чиқариш соҳасига тегишли бўлган бир қатор бошқа соҳаларнинг ривожланишини ҳам таъминлайди. Бу эса тармоқларда ҳамда туристик инфраструктурага тегишли корхоналарда янги иш ўринларининг яратилишига ёрдам беради.

Туризм ташқи бозор конъюктурасининг асосий хусусиятларини ҳамда унинг мазкур соҳанинг устувор йўналишларини аниқлашга бўлган таъсирни Ўзбекистонга келаётган фуқаролар оқимининг таркибий тузилиши орқали аниқлаш мумкин. Қуйидаги 1.3.1-жадвал туристик хизматлар экспортининг асосий бозорларини акс эттиради, бироқ шуни ҳисобга олиш керакки, мазкур маълумотлар фақат уюштирилган туристлар гуруҳларини акс эттиради, бу рўйхатга Ўзбекистонга шахсий иш ёки бизнес мақсадлари билан келадиган хорижлик шахслар киритилмаган. Бошқача қилиб айтганда, бу маълумотлар Ўзбекистонга фуқароларнинг кириш бозорларини тўлиқ акс эттирмайди. Буни аниқлаштириш учун қўшимча равишда чегараларни кесиб ўтиш ҳақидаги ҳамда саёҳат мақсадлари тўғрисидаги маълумотлар керак бўлади.

1.3.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасига 2005-2012 йилларда ташриф буюрган фуқароларнинг оқими (расмий равишда декларациядан ўтган, киши ҳисобида)

№	Давлатлар номи	Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган фуқароларнинг сони					2005-2012 йиллардаги ўсиш (марта)
		2005 й	2007 й	2008 й	2009 й	2012 й	
	МДХ мамлакатлари						
1.	Қозоғистон	85466	234237	530203	864438	2461566	28,8
2.	Қирғизистон	21104	66720	161422	234407	402682	19,1
3.	Россия	30534	186169	820366	1065471	1456311	47,6
4.	Тожикистон	93005	118085	162002	189209	442042	4,7
5.	Туркменистон	60507	93658	166894	231375	321317	5,3
	Узоқ чет эл мамлакатлари						
6.	Афғонистон	4396	13561	50823	50789	51108	11,6
7.	Буюк Британия	903	2112	4475	6895	5243	5,8
8.	Германия	2549	9196	14858	22150	17358	6,8
9.	Исроил	699	4796	7209	7533	9519	13,6
10.	Ҳиндистон	368	2177	5397	10728	36217	98,4
11.	Эрон	3681	5087	7163	7859	8446	2,2
12.	Италия	839	7264	9398	8831	7620	9,0
13.	Малайзия	133	4890	6441	5966	14790	111,2
14.	Жанубий Корея	422	3166	37957	34713	65534	155,2
15.	АҚШ	3602	6456	5618	6461	9175	2,5
16.	Туркия	7053	28695	58461	75518	114718	16,2
17.	Франция	1635	8676	11920	12959	10790	6,5
18.	Япония	1317	4809	5441	5127	3751	2,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотлар асосида муаллиф тамонидан тайёрланган.

Кирувчи туристик оқимларнинг таркибий тузилиши тўғрисидаги маълумотларнинг таҳлили бўйича Ўзбекистон учун устувор ташқи туризм хизмат бозорлари МДХ мамлакатларидан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия ва Туркменистон давлатлари ҳисобланади, узоқ мамлакатлардан эса Туркия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Афғонистон, Германия, Франция, Италия, Малайзия ва бошқа мамлакатларни кўрсатиш мумкин. Тадқиқот даврида (2005-2012 йилларда) МДХ мамлакатларидан Ўзбекистонга фуқаролар ташрифининг 2005 йилга нисбатан 2012 йилда миқдорий ўсиш бўйича Россия биринчи ўринда бўлса (47,6 мартага), Қозоғистон (28,8 мартага) ва Қирғизистон (19,1 мартага) кейинги ўринларни эгаллайди. Узоқ мамлакатлардан келган фуқаролар сони 2005 йилга нисбатан 2012 йилда Жанубий Кореядан 155,2, Малайзиядан 111,2, Ҳиндистондан 98,4, Германиядан 6,8, Буюк Британиядан 5,8 ва Туркиядан эса 16,2 мартага ошганини кузатиш мумкин.

Шундай қилиб, туризм миллий иқтисодиётнинг даромадли соҳаси бўлиб, келажакда Ўзбекистоннинг ялпи йиллик даромадининг энг муҳим қисмини ташкил этиши мумкин. Туризм хизмат бозорида муваффақиятга эришиш учун истеъмолчиларнинг туристик хизматларга бўлган эҳтиёжларига асосланган ҳолда турмахсулотни ишлаб чиқиш ва уни сотишни ташкиллаштириш, ҳалқаро ҳуқуқ нормалари ва қоидалари, туризм менежменти ва маркетинги соҳаларидаги амалий фаолият ҳамда бозор конъюктурасини ҳисобга олиш талаб қилинади. Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистонда яқин келажакда туристик хизматлар бозори шаклланиш ва ривожланишининг қуйидаги замонавий тенденциялари аниқланди:

- туристлар ташриф буюрадиган дестинацияларнинг туристик (табiiй, маданий ва тарихий) ресурслари ҳолатини ҳисобга оладиган туристик хизмат ва бозорларини ривожлантириш ҳамда янгиларини яратиш;
- туристик фаолиятни режалаштириш ва ривожлантиришга маҳаллий жамоатчилик ва маҳаллий ҳокимиятни жалб қилиш ҳамда унинг хавфсизлигини таъминлаш;

- маҳаллий аҳоли фаровонлиги ошириш, солиқ, божхона хизмати билан боғлиқ ва бошқа туризмнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган қийинчиликларни енгиб ўтиш;
- асосий эътиборни туризм соҳасидаги хизматлар нарҳини туристлар учун маъқул ва туризм индустрияси учун фойда келтирадиган даражада сақлаб қолишга қаратиш;
- маблағларни инвестиция қилишда атроф-муҳит ҳимояси масалаларини (қурилиш, архитектура, антропоген ҳолатларни) ҳисобга олиш;
- туризм хизмат бозорида маркетингни амалга ошириш ва хизматларни юргизиш учун кўпроқ миқдорда маблағлар ажратиш, муайян гуруҳларга қиравчи туристларни излаш ва улар учун таклиф қилинаётган хизматларнинг мақсадли бўлишини таъминлаш;
- туризм хизматлар бозорида фаолият юритувчи ходимларнинг касбий малакасини ошириш.

II-БОБ. Самарқанд вилоятида туристик хизматларнинг ҳолати таҳлили

2.1. Самарқанд вилоятининг иқтисодий-ижтимоий тавсифи

Республикадаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда ҳар бир ҳудуднинг муносиб ҳиссаси бор. Шу сабабли, мамлакатдаги муайян маъмурий ҳудуднинг ривожланиши ва унинг ҳозирги ҳолатига баҳо беришда, дастлаб унинг ижтимоий-иқтисодий тавсифини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Худудларнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва истикболи кўп жихатдан унинг географик жойлашувига, ишлаб чиқариш кучларининг ҳамда ижтимоий ва иқтисодий инфраструктураларнинг ривожланганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Самарқанд вилояти 1938 йил 15 январда ташкил этилган. У республиканинг марказида жойлашган бўлиб Жиззах, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тожикистон давлати билан чегарадош ҳисобланади.

Самарқанд вилояти аҳоли сони 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра 3444,8 минг кишини ташкил қилган. Аҳоли зичлиги 2014 йил 1 январь ҳолатига 1 м² га 205,4 кишини ташкил қилади. Аҳолисининг 38,8 фойизи шаҳарларда 1 миллион 324 минг 700 киши, қолган 2 миллион 120 минг 100 киши қишлоқ жойларида истиқомат қилишади⁴⁹.

Унда 14 та маъмурий туманлар ва қишлоқ ҳудудлари мавжуд: Оқдарё (Лойиш кўрғончаси), Булунғур (Булунғур шаҳарчаси), Жомбой (Жомбой шаҳарчаси), Иштихон (Иштихон шаҳарчаси), Каттакўрғон (Пайшанба кўрғончаси), Қўшрабод (Қўшрабод қишлоғи), Нарпай (Оқтош шаҳарчаси), Нуробод (Нуробод шаҳарчаси), Пойарик (Пойарик шаҳарчаси), Пастдарғом (Жума шаҳарчаси), Пахтачи (Зиёдин кўрғончаси), Самарқанд (Гулобод қишлоғи), Тайлоқ (Тайлоқ қишлоғи), Ургут (Ургут шаҳарчаси).

Вилоятнинг маъмурий маркази — Самарқанд шаҳри ҳисобланади. У республикадаги энг йирик маданият, илм ва фан марказларидан бири

⁴⁹Самарқанд вилоятининг паспорти 2014 йил, 2 бет.

ҳисобланади. Самарқанд вилоятида аҳолининг таълим-тарбия олиши учун бир нечта умумтаълим мактаблари, гимназиялар, лицейлар, спорт ва мусиқа мактаблари, бта олий таълим муассасалари, 4 та театр, музейлар ва кутубхоналар фаолият юритишмоқда

Самарқанд вилояти иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан Ўзбекистон Республикасининг бошқа вилоятларига нисбатан юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Унда қишлоқ хўжалиги, саноат тармоқлари ва туризм соҳалари ривож топган.

Самарқанд вилояти иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида олиб борилаётган туб ислохотлар кейинги йиллар мобайнида ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

Самарқанд вилоятининг 2009-2013 йиллардаги макроиқтисодий кўрсаткичлари⁵⁰

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
1	Саноат ишлаб чиқариш	млрд.сўм	1141,7	1604,7	2004,2	2577,1	3298,4
	Ўсиш суръати	%	112,0	119,8	111,4	116,3	113,6
2	Истеъмол моллари	млрд.сўм	884,3	1326,9	1448,4	1711,7	2121,4
	Ўсиш суръати	%	118,1	120,5	109,2	103,1	114,3
3	Капитал қўйилмалар	млрд.сўм	551,4	878,8	1113,2	1356,6	1813,2
	Ўсиш суръати	%	120,1	140,7	111,5	110,9	120,0
4	Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	млрд.сўм	1689,3	2065,1	2546,5	3110,1	3237,3
	Ўсиш суръати	%	105	107,6	107,7	106,1	106,5
5	Чакана савдо	млрд.сўм	1170,5	1683,0	2171,4	3009,7	3929,2
	Ўсиш суръати	%	116,8	119,9	116,9	120,2	116,6
6	Хизматлар жами	млрд.сўм	1270,6	1792,1	2284,1	2983,6	4076,9
	Ўсиш суръати	%	121,6	118,5	117,3	117,6	124,1
7	Экспорт	млн. АҚШ долл	151,8	109,2	133,2	142,0	163,7
	Ўсиш суръати	%	74,5	67,1	121,9	106,6	115,3
8	Импорт	млн. АҚШ долл	295,4	343,2	418,6	532,3	693,5
	Ўсиш суръати	%	101,1	104,4	122,0	130,3	126,3

⁵⁰ Самарқанд вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган

Вилоят хўжалиги қадимдан яхши тараққий этган. Ҳозирги кунга келиб замонавий саноат тармоқлари ривожланиб бормоқда. Вилоятда қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳалари етакчи ўринда туради.

2013 йилда Самарқанд вилоятида жами 3298,4 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, бу 2012 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп демакдир. Чакана савдо ҳажмининг сўнгги беш йил ичида ўртача ўсиш кўрсаткич 18,1 фоизни ташкил этган бўлиб, 2013 йилда ҳам 2012 йилга солиштирганда 16,6 фоизга ошган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида Самарқанд вилоятининг иқтисодий тузилмаларида, ташқи иқтисодий фаолиятида ҳам изчил ўзгаришлар кузатилмоқда.

Ҳозирги кунда республикамызда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади. Шу жиҳатдан қараганда, ҳозирги кунда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси, аҳоли фаровонлигини ошириш омили сифатида қаралмоқда.

Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий кўрсаткичлари 2.1.2-жадвалда келтирилган

2.1.2-жадвал жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 2013 йилда вилоятда 50,6 фоизи ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 57,1 фоизи кичик тадбиркорликда шаклланди. 2013 йилда вилоятда жами меҳнатда банд аҳоли умумий сонининг ўртача 82,0 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг 98,4 фоизи, қурилиш ишларининг 95,0 фоизи, экспортнинг

эса 74,4 фоиз хиссаси айнан кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тўғри келган.

2.1.2- жадвал

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг асосий кўрсаткичлари
(фоизда)

Кўрсаткичлар	2012 й	2013 й
ЯҲМ	75,9	77,1
Меҳнатда банд аҳолининг умумий сонидан	81,8	82,0
Экспортда	67,8	74,4
Импортда	53,8	52,2
Саноат маҳсулоти	38,3	42,2
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	98,4	98,4
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	52,5	48,3
Қурилиш ишлари	92,3	95,0
Чакана савдо айланмаси	50,6	52,1
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	53,9	57,1
Юк ташиш	68,8	69,9
Юк айланмаси	93,6	94,1
Йўловчи ташиш	83,4	82,7
Йўловчи айланмаси	82,7	81,8

Манба: Самарқанд вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари

Самарқанд вилоятида чакана товар айланма ҳажми йилдан йилга ўсиб бормоқда (2.1.3-жадвал). Чакана товар айланмасининг таркибий таҳлилида унинг ҳудудий тақсимотига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Чунки таркибий таҳлилнинг муҳим элементи бўлган таркибий тақсимот бизда вилоятнинг шаҳар ва туманларида чакана савдо ва оммавий овқатланиш қандай ривожланиб ораётгалиги тўғрисида аниқ хулоса чиқариш имконини беради.

2.1.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, чакана товар айланмаси ҳажми Самарқанд вилоятининг турли ҳудудларида турлича бўлсада, барча шаҳар ва туманларида унинг бир текис ўсиши кузатилади. У 2013 йилда 2012 йилга нисбатан ўртача 16,6 фоизга ўсган. Чакана товар айланмасининг ҳудудлар кесимида бир текис ўсиши, вилоятда савдо ва умумий овқатланишни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг

тўғри, оқилона ва ўз вақтида ишлаб чиқилгани ҳамда унга тўлиқ амал қилинаётганидан далолат беради.

2.1.3 - жадвал

Самарқанд вилоятида чакана савдо айланмаси кўрсаткичлари таҳлили

№	Шаҳар ва туманлар номи	2012 йил		2013 йил	
		млрд. сўм	2011 йилга нисбатан,%да	млрд. сўм	2012 йилга нисбатан,%да
	Жами	3009,7	120,2	3929,2	116,6
	шаҳарлар:				
1.	Самарқанд	964,3	118,1	1041,9	121,0
2.	Каттақўрғон	179,2	121,9	223,2	114,2
	туманлар:				
1.	Оқдарё	80,3	122,2	98,4	114,4
2.	Булунғур	128,6	121,8	166,2	114,0
3.	Жомбой	75,3	121,9	109,0	114,1
4.	Иштихон	139,4	122,3	161,0	114,2
5.	Каттақўрғон	91,6	122,6	155,1	114,1
6.	Қўшрабат	71,6	121,9	125,9	114,6
7.	Пайарик	142,6	121,7	193,8	115,1
8.	Пастдарғом	229,5	121,2	311,4	116,4
9.	Пахтачи	130,7	122,2	168,8	116,8
10.	Самарқанд	194,6	118,8	230,7	115,5
11.	Нарпай	107,2	122,6	178,1	114,4
12.	Нуробод	74,0	122,2	151,4	114,1
13.	Тайлоқ	76,4	120,3	79,9	113,9
14.	Ургут	324,4	119,4	534,4	116,1

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари

Самарқанд вилоятида бугунги кунга келиб турли соҳа ва тармоқларда корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатишмоқда (2.1.4-жадвал).

Вилоят корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2014 йилнинг 1 январ ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони 48157 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 28197 тани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 58,5 фоизи) ташкил қилди.


Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 63,4 фоизи), савдо ва умумий овқатланиш (10,2 фоизи), саноат (6,2 фоизи), таълим (4,4 фоиз) ва қурилиш (3,4 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2.1.4-жадвал

2014 йилнинг 1 январ ҳолатига корхона ва ташкилотлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича ҳолати

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
Жами	48157	100	28197	100
шу жумладан:				
Саноат	3014	6,2	2692	9,6
қишлоқ хўжалиги	30526	63,4	12043	42,7
қурилиш	1626	3,4	1399	5,0
транспорт ва алоқа	442	0,9	407	1,4
савдо ва умумий овқатланиш	4898	10,2	4293	15,2
моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари	1337	2,7	1183	4,2
аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	214	0,4	197	0,7
соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия	1068	2,2	1039	3,6
таълим	2106	4,4	2099	7,4
маданият ва санъат	171	0,4	161	0,6
фан ва илмий хизмат кўрсатиш	82	0,2	75	0,3
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	2673	5,6	2609	9,3

2013 йил январ-декабр ойларида жами 3302 та хўжалик юритувчи субъектлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми Самарқанд шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 18,4 фоизи), Пайариқ (11,5 фоизи), Пастдарғом (11,5 фоизи), Жомбой (9,1 фоизи), Булунғур (6,1 фоизи) туманларига тўғри келади.



2.1.1-расм. Мулк шакли бўйича корхоналарнинг тақсимланиши. 2014 йил 1 январ ҳолатига, умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

2.1.1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятда рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 90,7 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 60,4 фоизи фермер ва деҳқон хўжаликлари, 13,3 фоизи хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,1 фоизи акциядорлик жамиятлари, 16,4 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келади.

2.2 Ўзбекистонда туризм ва меҳмонхона хўжаликлари фаолиятлари ҳолатининг таҳлили

Чет эллик ва маҳаллий тадбиркорлар фаолияти учун рақобатли муҳит яратиш ва назорат чораларининг оптимал уйғунлигини таъминлайдиган туризм хизмат бозорининг бундан кейинги шаклланишига эҳтиёж, айниқса, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига чиқиш муҳитида яққол сезила бошлади. Чет эл сармоясининг келиши сабабли туристик бизнеснинг кейинги ривожланиши учун жуда зарур бўлган молиявий ресурслар, илғор технологиялар, хизмат ва бошқарувни амалга оширишнинг самарали усулларига эга бўлади. Ҳозирги пайтга қадар Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида туризм хизмат бозорининг тутган ўрни ҳали тўла эътироф этилмаган. Бироқ, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда айнан ички туризм хизмат бозорига бўлган қизиқиш кузатилмоқда. Эҳтимол, айнан туризм соҳаси келажакда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштирадиган соҳа бўлиши мумкин. Ҳали ҳам хорижга чиқувчи туризм бозори кирувчи туризм бозоридан устун бўлмоқда, натижада валюта келиб тушишининг муҳим манбаи ва экспорт савдосининг фойдали шакли бўлган кирувчи туризм бозори яхши ривожланмай қолмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон дунё туристларининг атиги 0,1% дан ҳам кам қисмини қабул қиляпти.

Чиқувчи туризм бозори кўшимча рағбатлантирилишга муҳтож эмас, аммо кирувчи туризм бозорининг ҳозирги ҳолати талаб даражасида эмас, уни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш лозим, зеро, у мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга жуда катта фойда келтирадиган сердаромад соҳалардандир. Ўзбекистонда кирувчи ва чиқувчи туризм бозори асосида ривожланаётган туристик бизнес нафақат туризм индустриясига, балки ноишлаб чиқариш соҳасига тегишли бўлган бир қатор бошқа соҳаларнинг ривожланишини ҳам таъминлайди. Бу эса тармоқларда ҳамда туристик инфраструктурага тегишли корхоналарда янги иш ўринларининг яратилишига ёрдам беради.

Туризм ташқи бозор конъюктурасининг асосий хусусиятларини ҳамда унинг мазкур соҳанинг устувор йўналишларини аниқлашга бўлган таъсирни Ўзбекистонга келаётган фуқаролар оқимининг таркибий тузилиши орқали аниқлаш мумкин. Қуйидаги 2-жадвал туристик хизматлар экспортининг асосий бозорларини акс эттиради, бироқ шуни ҳисобга олиш керакки, мазкур маълумотлар фақат уюштирилган туристлар гуруҳларини акс эттиради, бу рўйхатга Ўзбекистонга шахсий иш ёки бизнес мақсадлари билан келадиган хорижлик шахслар киритилмаган. Бошқача қилиб айтганда, бу маълумотлар Ўзбекистонга фуқароларнинг кириш бозорларини тўлиқ акс эттирмайди. Буни аниқлаштириш учун қўшимча равишда чегараларни кесиб ўтиш ҳақидаги ҳамда саёҳат мақсадлари тўғрисидаги маълумотлар керак бўлади.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикасига 2005-2012 йилларда ташриф буюрган фуқароларнинг оқими (расмий равишда декларациядан ўтган, киши ҳисобида)

№	Давлатлар номи	Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган фуқароларнинг сони					2005-2012 йиллардаги ўсиш (марта)
		2005 й	2007 й	2008 й	2009 й	2012 й	
	МДХ мамлакатлари						
1.	Қозоғистон	85466	234237	530203	864438	2461566	28,8
2.	Қирғизистон	21104	66720	161422	234407	402682	19,1
3.	Россия	30534	186169	820366	1065471	1456311	47,6
4.	Тожикистон	93005	118085	162002	189209	442042	4,7
5.	Туркменистон	60507	93658	166894	231375	321317	5,3
	Узоқ чет эл мамлакатлари						
6.	Афғонистон	4396	13561	50823	50789	51108	11,6
7.	Буюк Британия	903	2112	4475	6895	5243	5,8
8.	Германия	2549	9196	14858	22150	17358	6,8
9.	Исроил	699	4796	7209	7533	9519	13,6
10.	Ҳиндистон	368	2177	5397	10728	36217	98,4
11.	Эрон	3681	5087	7163	7859	8446	2,2
12.	Италия	839	7264	9398	8831	7620	9,0
13.	Малайзия	133	4890	6441	5966	14790	111,2
14.	Жанубий Корея	422	3166	37957	34713	65534	155,2
15.	АҚШ	3602	6456	5618	6461	9175	2,5

16.	Туркия	7053	28695	58461	75518	114718	16,2
17.	Франция	1635	8676	11920	12959	10790	6,5
18.	Япония	1317	4809	5441	5127	3751	2,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотлар асосида муаллиф тамонидан тайёрланган.

Кирувчи туристик оқимларнинг таркибий тузилиши тўғрисидаги маълумотларнинг таҳлили бўйича Ўзбекистон учун устувор ташқи туризм хизмат бозорлари МДХ мамлакатларидан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия ва Туркменистон давлатлари ҳисобланади, узок мамлакатлардан эса Туркия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Афғонистон, Германия, Франция, Италия, Малайзия ва бошқа мамлакатларни кўрсатиш мумкин. Тадқиқот даврида (2005-2012 йилларда) МДХ мамлакатларидан Ўзбекистонга фуқаролар ташрифининг 2005 йилга нисбатан 2012 йилда миқдорий ўсиш бўйича Россия биринчи ўринда бўлса (47,6 мартага), Қозоғистон (28,8 мартага) ва Қирғизистон (19,1 мартага) кейинги ўринларни эгаллайди. Узок мамлакатлардан келган фуқаролар сони 2005 йилга нисбатан 2012 йилда Жанубий Кореядан 155,2, Малайзиядан 111,2, Ҳиндистондан 98,4, Германиядан 6,8, Буюк Британиядан 5,8 ва Туркиядан эса 16 Туризм хизмат бозори ривожини “туризм интенсивлиги коэффиценти” кўрсаткичи билан баҳолаш мумкин. Ушбу коэффицент мамлакат аҳолисининг умумий сонидан бир йилда ҳеч бўлмаганда бир марта туристик саёҳатга чиқиши мумкин бўлган аҳолининг улушини белгилайди. Россияда бу кўрсаткич 2000-2012 йиллар давомида туризм интенсивлиги коэффиценти ўртача 5,2% ни ташкил қилган бўлса, демак аҳолининг ҳар йигирманчиси саёҳат қилган бўлади Европада эса, экспертлар баҳосига асосан, йил давомида ҳар тўртинчи фуқаро икки марта сайёҳат қилган, ҳар тўққизинчи фуқаро эса уч мартагача туристик саёҳат қилгани маълум бўлмоқда¹. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг тавсиясига кўра туризм мамлакат аҳолисининг 50% ни қамраб олганда оммавийлик таъминланади. Ўзбекистонда туризм интенсивлиги коэффиценти кўрсаткичлари 2-расмда берилган.

¹ Степанова С.А. Развитие туристского комплекса региона на основе повышения инвестиционной привлекательности туристско-рекреационных территорий. Автореф. дис. ... док. экон. наук. – Санкт-Петербург: СПб ГИЭУ, 2010. – 42с.



**2-расм. Ўзбекистонда 2005-2012 йилларда туризм тараққиёти
интенсивлигининг ўзгариши²**

Юқоридаги расмда кўриниб турибдики, 2005-2012 йилларда Ўзбекистонда туризм интенсивлиги коэффиценти ўртача 0,5% ни ташкил қилган. Демак, мамлакатимиз фуқароларидан ҳар юзтасидан биттаси саёҳатга чиққанлиги маълум бўлди, бу эса Бутунжаҳон туризм ташкилоти тавсия этган кўрсаткичдан анча орқада эканлигидан далолат бермоқда.

Ҳозирги мустақиллик шароитида иқтисодий барқарорлашув ва мамлакатимиз туризм индустрияси хизматлари сифатининг ошиши натижасида талаб ва таклиф мутаносиблиги юз бермоқда. Бироқ ички туризм бозоридаги нархлар даражаси анча юқори, улар кўп жиҳатдан хорижий таклифлардан фарқ қилмайди, лекин жаҳон стандартларидан узоқ бўлган хизмат кўрсатишнинг аввалги сифати сақланиб қолмоқда.² мартага ошганини кузатиш мумкин.

Таҳлил учун биз Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаландик

² Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

6-жадвал

Ўзбекистон Республикасига 2012 йил мобайнида хорижий фуқароларнинг келиши ва Ўзбекистон фуқароларнинг чет элга чиқишлари (расмий декларациядан ўтган, кишилар ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Жами	Шу жумладан сафар мақсадлари бўйича							
		Тадбиркорлик (хизмат доирасида)	Ўқиш	Ишлаш	Турист	Қариндошларга ташриф	Даво-ланиш	ДТЖ (доимий турар жойи)	Тижорат
Кириш	1946607	81857	5667	31723	181875	1528752	77665	19888	19180
Шу жумладан: МДХ давлатлари	1754981	55317	5109	10559	71592	1510719	77400	19262	5023
Бошқа чет эл давлатлари	191626	26540	558	21164	110283	18033	265	626	14157
Чиқиш	4154009	196916	33104	1432602	258645	2147161	34954	10319	40308
Шу жумладан: МДХ давлатларига	3846007	121913	27001	1404858	94726	2130683	31601	9580	25645
Бошқа чет эл давлатларига	308002	75003	6103	27744	163919	16478	3353	739	14663

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси маълумотлари

6-жадвалда қайд этилганидек, 2012 йилда сафар мақсадлари бўйича таҳлил қилинганда бевосита туристик мақсадлар билан бизга ташриф бўйрган хорижий фуқаролар 181875 кишини ташкил қилган бўлса, Ўзбекистон фуқароларнинг чет элга чиқиш сафарлари 258645 кишини ташкил қилган. Бу вазият республикада туризм соҳасининг ижобий ривожланиши ва Ўзбекистон фуқароларининг оилавий бюджетидан бевосита туризм мақсадларига сарфланадиган қисмининг ошиб боришидан далолат беради. Бу ҳолатни Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ривожланишидаги ижобий кўрсаткичлардан бири сифатида баҳолаш мумкин. Аммо Ўзбекистонга амалга оширилган саёҳатларни мақсадларига кўра таҳлил қилсак, қуйидаги ҳолатни кузатамиз:

7-жадвал

Ўзбекистонга 2012 йилда амалга оширилган сафарлар мақсадларига кўра кирувчи (хорижий фуқаролар) ва чиқувчи (Ўзбекистон фуқаролар) фуқаролар сонининг тақсимланиши

Кўрсаткичлар	Кирувчи фуқаролар		Чиқувчи фуқаролар	
Хизмат кўрсатилган фуқаролар сони, жами	1946607	100%	4154009	100%
Шу жумладан сафарлар мақсадларига кўра:				
Тадбиркорлик(хизмат доирасида)	81857	4,2	196916	4.7
Ўқиш	5667	0,3	33104	0.8
Ишлаш	31723	1,6	1432602	34.6
Туристик	181875	9,3	258645	6.2
Қариндошларга ташриф билан дам олиш	1528752	78,2	2147161	51.7
Даволаниш	77665	1,4	34954	0.8
ДТЖ (доимий турар жойи)	19888	4,0	10319	0.2
Тижорат	19180	1,0	40308	1.0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси маълумотлари

8-жадвал

Ташрифларнинг сафарлар мақсадига кўра тақсимланиши (2012йил)

Сафарлар мақсадига кўра	Дунёда	Россияда	Ўзбекистонда
Туристик	51%	10%	9,3%
Тадбиркорлик(хизмат доирасида) ва тижорат	15%	17%	5,2%
Қариндошларга ташриф билан дам олиш	27%	71%	78,2%
Бошқа мақсадларда	7%	2%	7,3%

Манба: Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси, russia.tourism.ru ва unwto.org сайтларидан олинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Юқоридаги жадвалардан, амалга оширилаётган ташрифлар қиёсий таҳлили шундан далолат берадики, ташрифларнинг туристик мақсадларда қилинган сафарлар бўйича жаҳонда 51% ни, Россияда 10% ни ва Ўзбекистонда 9,3% ни ташкил қилмоқда. Бунда кирувчи оқим учун маҳаллий туризм индустрияси таклифи нуктаи назаридан ҳам, ички туризмда истеъмол жиҳатидан ҳам жами амалга оширилган ташрифларнинг сафар мақсадига кўра қариндошларга ташриф билан хордиқ олиш 78,2 %ни ташкил этган, кейинги ўринда эса бевосита туристик мақсадлар билан келувчилар атиги 9,3% ташкил қилмоқда. Такқослаш учун дунёдаги фуқароларнинг ташриф мақсадлари бўйича таҳлил қилсак, унда бевосита туристик мақсадлар билан келувчилар 51% ни ташкил этаган (8-жадвал).

2.3 Самарқанд вилоятидаги туристик корхоналар фаолиятининг таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2011 йил 4 октябрда “Самарқанд вилоятида 2011-2012 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш ва туристик хизматлар экспорт салоҳиятини ошириш бўйича манзилли Дастури” тасдиқланди. “Самарқанд вилоятида 2011-2012 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш ва туристик хизматлар экспорт салоҳиятини ошириш бўйича манзилли Дастури” 93 банддан иборат бўлиб, шундан: 63 таси Самарқанд шаҳрига таълуқли. Дастур олти бўлимдан иборат:

- биринчи бўлимда 7 та тарихий обидалар;
- иккинчи бўлимда 34 та меҳмонхона хўжалиги;
- учинчи бўлимда 12 та туристик инфраструктура;
- тўртинчи бўлимда 4 та туристик хизматларнинг янги ва истиқболли турлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- бешинчи бўлимда 2 та туристик хизматлар экспортини ошириш;
- олтинчи бўлимда 4 та туризм соҳаси бўйича малакали кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ бандлар киритилган.

Ҳозирги кунда, ушбу Дастурнинг 28 та банди тўлиқ бажарилди, 29 та бандида ишлар режа бўйича олиб борилмоқда ва 6 та банди баъзи сабаблар билан бажарилмаган.

Дастурга киритилган 5 та лойиҳа жами 2 млрд. 350 млн. сўмлик ишлар тўлиқ амалга оширилди. Жумладан 26 ўринли “Суғдиёна плаза”, 36 ўринли “Мажестик палас”, 14 ўринли “Гала Осиё”, 28 ўринли “Арба” ва 116 ўринли “Регистон” меҳмонхоналари қуриб битказилиб, ҳозирги кунда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Дастурга вилоят бўйича 24,8 млрд. сўмлик маблағни ўзлаштириш кўзда тутилган бўлиб, шундан:

- 14,8 млрд. сўми ўз маблағи ҳисобидан;
- 391,0 млн. сўми бюджет маблағидан;
- 8,6 млрд. сўми банк кредит маблағларидан;

- 1,1 млрд. сўми ҳомийлар маблағидан.

2011 йилги статистик маълумотларга кўра Самарқанд шаҳрида 77 та меҳмонхона фаолият кўрсатиб, улардаги хоналар сони 1744 тани ва жойлар сони 3379 тани ташкил қилган бўлиб, шаҳримизга келган туристлар сони 121457 тани ташкил этиб, улар 259835 турист кунини ташкил этдилар. Бу эса, битта турист шаҳримизда ўртача 2,1 кун бўлганлигини ёки ўтган йилга нисбатан 0,4 кунга кўплигини билдиради.

Самарқанд вилояти Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим бўғини ҳисобланиб, у жуда катта туристик салоҳиятга эга. Лекин шуни таъкидлаш керакки, мавжуд туристик салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлиги ҳозирги кунда паст. Жумладан, ЮНЕСКО томонидан Самарқанд ҳудудидаги 360 та обида тарихий мерос сифатида рўйхатга олинган бўлсада, ҳақиқатда эса, туристик фирмалар томонидан саёҳат маршрутларини тузишда уларнинг 20-25 киритилмоқда. Демак, мавжуд туристик ресурслардан фойдаланиш коэффиценти 6,9 % ни ташкил этади. Бу соҳада кенгаш томонидан туристик фирмалар билан бирга ишлар олиб борилиб туристик маршрутларни ихтисослаштириш, янгилаш ишлари олиб борилмоқда.

Самарқанддаги меҳмонхоналар ва бошқа тураржойлар имкониятидан фойдаланиш даражаси ҳам жуда пастлигича колмоқда. Самарқанд шаҳридаги меҳмонхоналар йилига ҳеч бир қийинчиликсиз 600-700 минг сайёҳларни қабул қилиш имкониятига эга, лекин ҳақиқатда 2009 йилда, расмий маълумотларга кўра, ҳаммаси бўлиб 98 минг кишини қабул қилган (2002 йилга нисбатан бу кўрсаткич 2,4 баробарга ошган бўлсада, имкониятларга нисбатан бу кўрсаткич жуда ҳам паст). 2011 йил маълумотлари буйича бу курсаткич бирмунча ошган (127.0 минг киши). Хар мингта чет эллик меҳмонларга хизмат кўрсатишга 20-50 киши хизмати тўғри келишини ҳисобга олсак, ҳозирги кунда яратилиши мумкин бўлган кўшимча иш жойлар 10,0 минг ўринни ташкил қилади

$(600-98) \times 20 = 10040$ (ўрин), яъни вилоятда ўн мингтадан ортиқ янги иш ўрнини ташкил этиш учун имконият мавжуд.

Самарқанд вилоятида 2012 йилда 85 та меҳмонхона мавжуд бўлиб, улардаги хоналар сони 1826 тани, ўринлар сони 3640 тани, жойлаштирилган шахслар сони 129271 тани ташкил қилиб, уларнинг 57498 таси Ўзбекистондан, 8638 таси МДХ мамлакатларидан, 63135 таси , узоқ хорижий мамлакатлардан ҳисобланади. Унда тунаб қолишлар сони Ўзбекистондан 147149.5 тани, хорижий давлатлардан 153143.5 тани ташкил қилади. Меҳмонхона хизматидан тушган тушум 10628231.4 минг сўмни, шу жумладан хизматлар экспорти 3392148 АҚШ долларини ташкил қилди.

Самарқанд вилоятида ҳозирги кунда 45 та туристик фирмалар мавжуд бўлиб, улардаги хизмат кўрсатилганлар сони 27886 кишини, қабул қилинганлар сони 25731 тани ташкил этиб, улардан 15723 таси чет эллик ташриф буюрувчилар, 564 таси МДХ мамлакатларидан, 10008 таси Ўзбекистондандир. Жўнатилганлар сони 2155 тани ташкил қилиб, уларнинг 25 таси чет эллик ташриф буюрувчилар, 426 таси МДХ мамлакатларидан, 1704 таси Ўзбекистон Республикаси фуқароларидир. Сайёҳлик хизматидан тушган тушум 10618916.7 минг сўмни, шу жумладан хизматлар экспорти 1218814 АҚШ долларини ташкил қилди.

Самарқанд шаҳрида ташриф буюрган туристларнинг ўртача тунаб қолишлари кўрсаткичлари таҳлили:

9-жадвал

Йиллар	Ташриф буюрган туристлар сони	Улардаги тунаб қолишлар сони	Битта туристнинг ўртача бўлганлиги
2011 й.	121457 та	259835	2,1 кун
2012 й.	129271 та	300293	2,3 кун
Фарқи	7814 та	40458	0,2 кун

Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатаётган меҳмонхона тўғрисида маълумот

10-жадвал

Йиллар	Меҳмонхоналар сони	Хоналар сони	Жойлар сони
2011 й.	77 та	1744 та	3379 та
2012 й.	85 та	1826 та	3640 та

2012 йилги статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, Самарқанд вилоятида 85 та меҳмонхона фаолият кўрсатиб келган. Улардаги хоналар сони 1826 тани, ўринлар сони 3640 тани, жойлаштирилган шахслар сони 129271 тани ташкил қилган. Шаҳримизга ташриф буюрган туристларнинг 57498 таси Ўзбекистондан, 8638 таси МДХ мамлакатларидан, 63135 таси узоқ хорижий мамлакатлардан ҳисобланади. Тунаб қолишлар сони эса, Ўзбекистондан 147149,5 тани, хорижий давлатлардан 153143,5 тани ташкил қилади. Меҳмонхона хизматидан тушган тушум 10628231,4 минг сўмни, шу жумладан хизматлар экспорти 3392148 АҚШ долларини ташкил қилган.

Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатаётган туристик фирмалар тўғрисида маълумот

11-жадвал

Йиллар	Туристлик фирмалар сони	Туристларга хизмат кўрсатишлар сони	Қабул қилинганлар сони
2011 й.	41 та	26912 та	23544 та
2012 й.	45 та	27886 та	25731 та

2012 йил статистик маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, вилоятда 45 та туристик фирмалар фаолият кўрсатиб келган. Уларнинг туристларга хизмат кўрсатганлари сони 27886 кишини, қабул қилинганлар сони 25731 тани ташкил этиб, улардан 15723 таси чет эллик ташриф

буюрувчилар, 564 таси МДХ мамлакатларидан ва 10008 таси Ўзбекистон фуқароларидир.

Жўнатилганлар сони 2155 тани ташкил қилиб, уларнинг 25 таси чет эллик ташриф буюрувчилар, 426 таси МДХ мамлакатларидан, 1704 таси Ўзбекистон Республикаси фуқароларидир. Сайёҳлик хизматидан тушган тушум 10618916.7 минг сўмни, шу жумладан хизматлар экспорти 1218814 АҚШ долларини ташкил қилган.

Самарқанд вилояти Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим бўғини ҳисобланиб, у жуда катта туристик салоҳиятга эга. Бизнинг фикримизча, мавжуд туристик салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлиги ҳозирги кунда анча паст эканлигини кўрсатмоқда. Жумладан, ЮНЕСКО томонидан Самарқанд ҳудудидаги 360 та обида тарихий мерос сифатида рўйхатга олинган бўлсада, ҳақиқатда эса, туристик фирмалар томонидан саёҳат маршрутларини тузишда уларнинг атиги 20-25 таси туристик пакетга киритилмоқда. Демак, мавжуд туристик ресурслардан фойдаланиш коэффиценти бор йўғи 6,9 % ни ташкил этади.

Мамлакатимиз туризм индустриясининг фаолиятида мавсумийлик омили мавжудлиги Ўзбекистоннинг иқлимий шарт-шароитлари ва турмаҳсулотни шакллантиришда айнан табиий-иқлимий омиллар муҳим роль ўйнаши билан изоҳланади. Бу, айниқса, туризм маскани бўлган Самарқанд ҳудудининг туризм тизими мисолида яққол намоён бўлади. Ички туризм бўйича туристлар асосан февралда 5,2 %, июнда 19% ва август 15,1% ойларида саёҳат қилишган. Кирувчи туризмда эса асосан апрел, май ойларида 10,7%, 18,3% ташриф буюришган бўлса, декабрь, январь, февраль ва март ойларида бу кўрсаткич атиги 1,8 % ни ташкил қилган. (2.4-жадвал ва 2.4-расмга қаранг)

Мамлакатимиз туристларининг ўз имкониятларидан келиб чиқиб, дам олишни асосан ёз ойларида амалга оширишларининг турғун ҳолати шаклланган бўлиб, бу ойларда саёҳатлар ҳажми 42,8% га тўғри келади. Бунда асосан оилавий дам олишга эътибор берилади – сентябрда саёҳатлар сонининг


2 карра тушиб кетиши ўқув йилининг бошланиши билан изоҳланади, ўртача оилавий саёҳат 3 кишидан иборат бўлган оила билан амалга оширилади.

12 -жадвал

2012 йилда Самарқандга қилинган саёҳатларни амалга ошириш мавсумига кўра хизмат кўрсатилган туристлар сонининг тақсимланиши (минг киши)

Жами хизмат кўрсатилган туристлар сони: 143.79	Ички туризм		Кирувчи туризм		Чикувчи туризм	
	53.4	100%	89.6	100%	0.79	100%
Январь	2,3	4,3	1,1	1,2	0,034	1,0
Февраль	2,8	5,2	1,0	1,1	0,055	5,0
Март	3,7	6,9	2,9	3,3	0,039	2,4
Апрель	4,4	8,2	9,6	10,7	0,037	1,9
Май	4,8	9	16,5	18,3	0,112	13,8
Июнь	10,1	19	11,1	12,4	0,044	3,7
Июль	4,6	8,7	2,8	3,1	0,092	13,5
Август	8,1	15,1	13,2	14,8	0,044	3,7
Сентябрь	4,2	7,8	10,2	11,4	0,039	1,1
Октябрь	3,5	6,5	12,9	14,4	0,161	34,7
Ноябрь	2,6	4,8	6,7	7,5	0,094	16,8
Декабрь	2,3	4,5	1,6	1,8	0,039	2,4

Манба: «Ўзбектуризм» МК Самарқанд минтакавий бошқармаси маълумотлари асосида



3-расм. 2012 йилда Самарқандга саёҳат қилиш мавсумига кўра хизмат кўрсатилган туристлар сонининг тақсимланиш диаграммаси

Юқоридаги 12-жадвал ва 3-расмда кўрсатилганидек, чикувчи туристик оқим динамикаси таклиф спекторининг кенглигига кўра мавсумийлик таъсирига деярли учрамайди, бунда жами хизмат кўрсатилган туристлар сонига нисбатан май, июнь ва июль ойларида 31,0 % ҳамда август, октябрь ва ноябрь ойларида 55,2 % туристлар бошқа мамлакатларга саёҳат қилдилар. Кирувчи туристлар оқими жами хизмат кўрсатилган туристлар сонига нисбатан май ойида 18,3 %, октябрь ойида 14,4 % ташкил қилиб, асосан йилнинг иссиқ вақтига тўғри келади ва унинг ўсиш суръати етарли даражада барқарор ҳисобланади. Йилнинг январь, февраль ва декабрь ойларида туристлар оқимининг кескин пасайиши туроператорларимиз томонидан тайёрланган дастурлар таъсирчанлигининг пастлиги ва зерикарлилиги билан баҳоланади, бу эса оилавий ва гуруҳий саёҳатларнинг туризм бозоридаги ўрнини йўқотишга олиб келмоқда.

13-жадвал

Самарқанд ҳудудида туризмнинг ривожланиш динамикаси

Кўрсаткичлар номи	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Туристлик хизматлар хажми (млн. сўм, номинал нархларда)	1.4	30.2	65.6	190	452.47	5710.9	6689.1	11078.4	13567.2	13348,5	15300,1	23300	27900
(реал нархларда)	1.40	20.80	45.19	150.22	391.00	4705.2	5505.42	8934.44	11314.7	11052.3	12911,5	19695,7	23584,1
Туристлик корхоналари даромади (млн. сўм, номинал нархларда)	0.3	17.2	19	21	71.68	541.3	370.5	1192.0	474.1	1007,3	729,3	1010	1390,5
(реал нархларда)	0.3	11.85	13.09	16.60	61.94	445.98	304.94	961.4	395.47	834,03	615,4	853,8	1175,4
Туристларга хизмат кўрсатиш (минг киши)	51.1	42.8	41.3	56.3	99	59.1	81.7	113.2	120.0	130.9	135.5	142,2	143,8
Хизматлар экспорти (минг АҚШ долларида)	5854.5	4768	3750	3822.7	5000	4450.8	4978.3	7008.9	7391.8	5778,8	7673,8	7827,8	11198,8

Мамлакатимиз туризм индустриясининг фаолиятида мавсумийлик омили мавжудлиги Ўзбекистоннинг иқлимий шарт-шароитлари ва турмаҳсулотни шакллантиришда айнан табиий-иқлимий омиллар муҳим роль ўйнаши билан изоҳланади. Бу, айниқса, туризм маскани бўлган Самарқанд

худудининг туризм тизими мисолида яққол намоён бўлади. Ички туризм бўйича туристлар асосан февралда 5,2 %, июнда 19% ва август 15,1% ойларида саёҳат қилишган. Кирувчи туризмда эса асосан апрел, май ойларида 10,7%, 18,3% ташриф буюришган бўлса, декабрь, январь, февраль ва март ойларида бу кўрсаткич атиги 1,8 % ни ташкил қилган. (2.4-жадвал ва 2.4-расмга қаранг)

Мамлакатимиз туристларининг ўз имкониятларидан келиб чиқиб, дам олишни асосан ёз ойларида амалга оширишларининг турғун ҳолати шаклланган бўлиб, бу ойлarda саёҳатлар ҳажми 42,8% га тўғри келади. Бунда асосан оилавий дам олишга эътибор берилади – сентябрда саёҳатлар сонининг 2 карра тушиб кетиши ўқув йилининг бошланиши билан изоҳланади, ўртача оилавий саёҳат 3 кишидан иборат бўлган оила билан амалга оширилади.

14-жадвал

Туристик фирмалар рўйхати

1	"AFSONA TRAVEL" "АФСОНА ТРЕВЕЛ"	Сайдаминова Шохиста	Гагарин кучаси 53 уй 39 хона
2	"ANTIQA PLYUS" "АНТИҚА ПЛЮС"	Хайдарова Азиза	Т.Кахорова куч.58 уй
3	"AIR ASTREYA" "ЭЯ АСТРЕЯ"	Бердиев Хусен	М.Улугбек 34
4	"ALIJON TOUR" "АЛИЖОН ТУР"	Юнусов Алижон	Панжоб куч 9 уй, Фирдавсий 92
5	"BAHTAR-V" "БАХТАР-В"	Ураков Рафик	Регистон кучаси 9 уй
6	"CENTRAL ASIAN STAR" "СЕНТРАЛ АЗИЯН СТАР"	Усанов Исропил	Буюк ипак йули кучаси 10 уй 9 хона
7	"С.А.Т.І.А" "К.А.Т.И.А"	Туракулов Равшан	Кук-Сарой майдони, 1 уй
8	"DARVESH TUR SERVIS" "ДАРВЕШ ТУР СЕРВИС"	Азизов Дилшод	Кук Сарой майдони 1
9	"ESPRIT DU TEMPS" "ЭСПРИТ ДУ ТЕМПС"	Усманова Зарина	М.Умарова кучаси 4 уй
10	"ETOILE D'OYZODA" "ЕТОИЛ Д'ОЙЗОДА"	Ёрматова Г.К	Рудакий кучаси 104 уй 40 хона

11	"XAMRO HONIM" "ҲАМРО ХОНИМ"	Ҳайтов Шухрат	Алиқушчи 37а
12	"HAVAS TOUR SERVICE" "ҲАВАС ТУР СЕРВИС"	Аманбаевна Наргиза	М.Улугбек кучаси 150 уй
13	"KARAVAN TRAVEL" "КАРАВАН ТРЕВЕЛ"	Санакулов Жанонбек	М Кошгарий кучаси 72 уй
14	"LEJAND DO SAMARKAND M-7"	Бердиев Урал	М.Улугбек кучаси 48 уй 62 хона
15	"NATALI-L" "НАТАЛИ-Л"	Караматов Рустам	Дагбед кучаси 24 уй 9 хона
16	"NOVIY GORIZONT" "НОВЫЙ ГОРИЗОНТ"	Исраелан Рубен	Фарход кучаси 34 уй 31 хона
17	"ORIENT VOYAGES" "ОРИЕНТ ВОЯЖ"	Мовсеян Анжела	Дагбед куч. 33 уй
18	"OXUS-TRAVEL" "ОКСУС-ТРЕВЕЛ"	Мовсеян Анжела	Дагбед кучаси 33 уй
19	"ORIENT REISEN YASSU" "ОРИЕНТ РЕЙСЕН ЯССУ"	Ибрагимов Фуркат	М.Улугбек кучаси 150 уй
20	«O-SHARKTRANSSERVIS» "О-ШАРҚТРАНССЕРВИС"	Раимов Шароф	Махтумкули кўчаси 4 уй.
21	"PILGRIM TRAVEL" "ПІЛГРИМ ТРЕВЕЛ"	Мамашева Умида	Б.Ялантуш кучаси 13 уй
22	"REV'TOURS" "РЕВ'ТУРС"	Эргашев Муродхон	Баходир Ялантуш кучаси 13 уй
23	"SHARQ IMP EKS" "ШАРҚ ИМП ЕКС"	Саидов Ҳамрокул	Буюк ипак йули кучаси 112а уй Найман
24	"SAIDBEK TRAVEL" "САИДБЕК ТРЕВЕЛ"	Тухлиев Искандар	Чулпон кучаси 30-уй
25	"SPUTNIK TRAVEL KOMPAHИ" "СПУТНИК ТРЕВЕЛ КОМАНИ"	Авляев Ачил Алламович	Я.Баходир куч.37
26	"SOGDA TUR" "СОГДА ТУР"	Файзиева Наргиза	Куксарой майдони 1А
27	"SILK TUR" "СИЛК ТУР"	Расулова Зироат	Регистанская 38
28	"SHIRIN SAYYOH" "ШИРИН САЙЁХ"	Рахматуллаева Гулчеҳра	М.Қошғарий кучаси 29
29	"SHENEREZADE VOYAGES" "ШАХЕРЕЗАДЕ ВОЯЖЕС"	Шерзод Самандаров	М.Улугбек кучаси 75 уй

30	"SHANHEREZADA SAM STAR TOUR" "ШАХЕРЕЗАДА САМ СТАР ТУР"	Джахангиров Толиб	М.Улугбек кучаси 75 уй
31	"SEZAM-VOYAJES" "СЕЗАМ-ВОЯЖ"	Бердиев Бекназар	Боходир Ялангтуш кучаси 13 уй
32	"SHAHRIYOR TUR" "ШАХРИЁР ТУР"	Жиянов Рахмонберди	М.Улугбек кучаси 150 уй
33	"SAMISI SAYYOH PLUS" "САМИСИ САЙЁХ ПЛЮС"	Саттарова Зухра	А.Темур кучаси 9 уй
34	"SAMARKAND RENAISSANCE" "САМАРҚАНД РЕНИССАНС"	Нуруллаев Ихтиёр	А.Темур кучаси 86А уй
35	"SARBON TOUR" "САРБОН ТУР"	Маматкулов Нодир	Регистон кўчаси 5 уй, 37 хона
36	"SUG'DIYINA LUX TOUR" "СУҒДИОНА ЛЮКС ТУР"	Суярова Гавхар	М.Кошгари кучаси 74 уй
37	"TRANS SPUTNIK" "ТРАНС СПУТНИК"	Исломов Илҳом	А.Темур кучаси 31 уй
38	"TURKESTAN TRAVEL" "ТУРКИСТАН ТРЕВЕЛ"	Хасанов Акрам	Кук сарой майдони 1 уй
39	"UZBEKISTAN FOR YOU" "ЎЗБЕКИСТАН ФО Ю"	Валькова Людмила	Курчатов куч. 16 уй
40	"URGUT SAYYOH – MTS" "УРГУТ САЙЁХ-МТС"	Урунова Мунаввар	Ургут ш., Навоий кўчаси 10 уй
41	"VERES VERT" "ВЕРЕС ВЕРТ"	Бакаев Равшан	Нуробод кучаси 22-В уй
42	"VOYAGE INTERNATIONAL" "ВОЯЖ ИНТЕРНЕЙШНЛ"	Насимов Миразиз	Мирзо Улугбек 148
43	"XUROSAN O'LKASIGA SAYOHAT" "ХУРОСОН ЎЛКАСИГА САЁХАТ"	Жохонгиров Нозим	Севали ота кучаси 34 уй
44	"YULDUZHON HILOL" "ЮЛДУЗХОН ХИЛОЛ"	Юлдашева Каромат	Кўк сарой майдони 1 уй
45	"ZAMIN TRAVEL" "ЗАМИН ТРЕВЕЛ"	Усанова Нилуфар	Буюк ипак йули кучаси 10 уй 9 хона

III-БОБ. Самарқанд вилоятида туристик хизматларни кўрсатиш борасидаги муаммолар, уларнинг ечимлари ва ривожлантириш йўллари

3.1. Самарқанд вилоятида туристик хизматларни кўрсатиш борасидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаштиришнинг ҳозирги босқичида туризм соҳасини ривожлантириш алоҳи аҳамият касб этади. Чунки айнан ушбу соҳани ривожлантириш иқтисодиётимизга чет эл валютаси оқимини таминлаш шикоятини яратади. Башоратларга кўра яқин ўн йилликда туризм Самарқандда янги иш жойларини яратишнинг энг муҳим манбаларидан бири бўлиши кутилмоқда. Ундан ташқари ушбу соҳанинг ривожланиши ҳалқаро алоқаларнинг кенгайишига муҳим таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Хизматлар соҳасининг таркибий қисми ҳисобланган туризмнинг иқтисодий нуқтайи назардан жозибадорлиги - бу жалб қилинган маблағларнинг тез қопланиши ва даромадларнинг олиниши ҳисобланади. Малумотларга кўра туризм ҳиссаси 6 фоизга яқин дунё ЯММ, 11 фоиз дунё исьтемомол харажатлари ва 5 фоиз жами солиқ тушумлари тўғри келади.

Туризмнинг Самарқанднинг ривожланишига мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш таъсири унчалик катта эмас. Бу асосан реал инвестицияларнинг бўлмаслигида, хусусий секторнинг пас даражасида, меҳмонхона жойларни сонинг етарли бўлмаслиги, малакали ходимларнинг тақчиллигида ўз аксини топмоқда. Туристик инфиратузилманинг ривожланмаганлиги мамлакатдаги сенвиснинг пас сифати шунга олиб келадики Самарқандда ҳозирги кунда дунё туристик оқимининг 1 фоизидан ками тўғри келмоқда.

Башоратларга кўра яқин 10-15 йил мобайнида туризм мамлакатимиз ва унинг йирик шаҳарлар иқтисодиётига кескин равишда ижобий таъсир кўрсатиш мумкин экан. Шундай қилиб туризм иқтисодиётининг фойдали

тармоғи ҳисобланиб, тегишли шароитларда Самарканд шаҳри ЯМД нинг муҳим моддасига айланиши мумкин.

Аммо бунинг учун туризмнинг ривожланишига ҳалақит берувчи асосий омилларни бартараф этиш лозим бўлади. Фикримизча бундай омиллар жумласига молиявий харажатлар, дам олиш ҳафвсизлиги ва хизмат кўрсатиш сифати кабиларни киритиш мумкин. Шу нуктаий назардан Самарқанд юқорида такидланганларнинг барчаси бўйича қоникарли ҳолатда эмас. Кўпинча бизда дам олиш жуда қиммат ва қулайликлар сони кам, шахсий ҳафвсизлик учун фақат ўзи жавоб беришга туғри келинади.

Фикримизча туризм соҳасида муҳим тизимли муоммолар анча пайтдан бери мавжуд ва уларни ҳокимиятнинг барча даражаларида ҳал этиш зарурдир.

Фикримизча Самарқандга кирувчи ва чикувчи туризмнинг ривожланишига сезиларли даражада таъсир этувчи ва унинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи асосий камчилик ва муоммоларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

-транспорт, меҳмонхона ва ресторан хизматларининг барча турларига ҳаддан юқори нархлар, транспорт хизматларнинг юқори нархи биринчи навбатда авиачипталарнинг Самарқанддаги туристик маҳсулотларнинг нарҳини оширади ва тегишли равишда унинг ҳалқаро бозордаги рақобатбардошлийлигини камайтиради;

- туристик соҳага давлат назоратининг паст даражасини;

- транспорт ва меҳмонхона инфратузилмасини ривожлантиришнинг паст даражаси,инфратузилмани ривожлантиришнинг бундай даражасида минимал сонли туристлардан катта фойда олиш мақсадида нархлар кескин равишда оширилади;

- туризм ўрганиш учун кучли илмий тадқиқот базаси. Комплекс прогнозлаштириш, узоқ муддатли режалаштириш туризмни ҳудидий ташкил этиш учун асоси йўқ;

- туризм соҳасида профсанал кадирларнинг етишмаслиги;

- давлат ва маҳаллий даражадаги кирувчи ва чикувчи туризимлар иқтисодий рағбатлантиришнинг ва қонунчиликнинг такомиллашмаганлиги;
- туристларга малакали даражада хизмат кўрсатишнинг керакли даражада ташкил этилмаганлиги ва бу ўз навбатида конкрет туристик марказга ва умумий ҳолда мамлакатга салбий имиджни яратади;
- туризм учун жозибали мамлакат сифатида имидж яратиш бўйича давлат ва маҳаллий ҳукумат сиёсатидаги камчиликлар;
- таклиф этилаётган хизматлар ассортиментининг камбағаллиги;
- Ички ва кирувчи туризим тарғибот килиш бўйича комплекс маркетинг стратегиясининг мавжуд бўлмаслиги.

Самарқанд, шубҳасиз чет эллик туристлар ва маҳаллий аҳоли учун жозибадор ҳисобланади, аммо унинг ривожланишини тўхтатиб турувчи олимлар мамлакатда туризимни тўлақонли ривожланишига ҳалақит бераолмайди. Ҳозирги кунда мамлакатдаги ички туризим яқин жойларга узоқ муддатли бўлмаган ва корпаратив ва оилавий чиқимлар ҳисобига сақланиб турибди. Расмий малумотларга кўра статистика бўйича Самарқанд вилоятида мамлакатдаги ички туризим бўйича Самарқанд вилоятида 2013 йилда бор йўғи 13 106 кишини хизмат кўрсатилган ва бу ўтган йилнинг ушбу даврига сондан кўпроқни ташкил этади. 2012 йилда хизмат кўрсатилганлар сони 12 562 кишини ташкил этган. Республика бўйича меҳмонхоналарнинг тўлдирилиши 2013 йилнинг охирида бор йўғи 25,8 фоизни ташкил этган.

Бу ерда шуни такидлаш жойизки ривожланган бозор иқтисодиётли давлатлардаги меҳмонхоналарда жойлаштириш коэффициенти 60 фоиздан кам бўлса улар фаолятидаги рентабиллик даражаси 0 (нўл)га тенг бўлади. Шундай экан биздаги мавжуд меҳмонхоналардаги ҳолатни ачинарли дейишдан бошқача хулосага келиш мумкин эмас.

Охирги йиллар мобайнида бу борада ўсиш тенденциялари кузатилмоқда, аммо мамлакатдаги ички табиий ресурслар салоҳиятини инобатга олганда, улар жуда камдир. Тақдим этилган сон кўрсаткичлари

шундай далолат берадикий мамлакатимиздаги туристик тармоқлардаги йилларда муҳим таркибий ва мазмунли ўзгаришлар содир бўлмаган.

Мамлакат туристик тармоғидаги ҳолатнинг яхшиланишига қарамасдан ҳозирча кўп муоммолар сақланиб қолмоқда, жумладан барча инфратузулмани қайта қуриш зарур, чунки у замонавий талабларга мос келмайди. Шунингдек туристик фирмалар фаолятини охириги исътемомлчига путёвқаларни сотиш ва уларни ташишни ташкил этиш борасидаги фаолятни рағбатлантириш лозим. Туризим ва санатория, курорт ишини ривожлантиришдаги асосий муоммо шундан иборатки, маъмурий оргинлар ва хўжалик юритувчи суъбектларнинг туристик ташкилотлар билан ўзаро алоқаларнинг ҳуқуқий ва ташкилий механизимни аниқлашда ҳудуднинг ортда қолиши бу ўз навбатида маҳаллий буюджет учун йўқотишларга олиб келади.

Туристтик фаолятнинг мавжуд бўлган статистикаси туристик хизматларнинг барча тамонлари тўлиқ даражада қамраб олмайди.

Фикримизча туристик кўрсаткичларни ҳисобга олишни такомиллаштириш бўйича иш Ҳалқаро туристик ташкилот таклифларига мос равишда амалга оширилиши лозим. Бу мақсадларда ҳар йили статистик ҳисобат шакиллари қайта кўриб чиқиш мақсадга муофиқ бўлиб ҳисобланади. Туризим тармоқлараро фаолят ҳисобланганлиги туфайли ёрдамчи счётларни жорий этишини тақоза этади.

Ҳалқаро ҳамкорликнинг муҳим қирраларидан бири бўлиб ҳалқаро туристик ташкилот (ЮНВТО) билан ўзаро ҳамкорлик ҳисобланади. Самарканд ушбу ташкилот тамонидан амалга оширилаётган турли хилдаги чора тадбирларда актив қатнашмоқда. Ушбу ташкилотнинг туризимни ривожлантиришдаги ва дунё туристик ҳамжамиатидаги мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ўрнатишдаги рўли беқиёсдир ва унинг барча аъзолари учун муҳимдир, бинобарин ЮНВТО Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маҳсус муассасига айланганлигини инобатга оладиган

бўлсак бу ўз навбатида ушбу ташкилотнинг дунёда туризими актив
силжитиш ва уни барқарор ривожлантиришдаги мавқиени мустаҳкамлайди.

Статистик маълумотлар таҳлили кўрсатдики туристик хизматлар
ҳажмининг ўзгариши туристик хизматлар бозорини сифат жиҳатдан кўшиш
ва итжимоий ҳолатлар билан боғлиқдир. Чет элга доимий яшаш мақсадида
чиқувчилар оқимининг кескин камайиши, шоп-турларга чиқарувчилар
сонинг камайишига ва туристик фирмаларнинг чиқарувчи ва кирувчи
туризмга мўлжал қаратишлари туристик ташкилотлар кўрсаткичларининг
табiiй ўзгаришларига олиб келади, чунки чиқувчи туризм хизматлари ички
туризм хизматлар бўйича хизматларга қараганда қиммат туради. Ваҳоланки
чет эллик туристик марказлар, туристик фирмалар тамонидан унинг
рекламаси учун катта харажатлар талаб қилмайди. Шу вақтнинг ўзида
маълумки ички туризм бўйича хизматлар рекламаси катта ҳажмдаги
харажатларни талаб қилади. Ички туризими ривожлантириш учун ўта
муҳим аҳамиятни яхши даражада ташкил этилган маркетинг ва туристик
маҳсулотни силжитиш эгаллайди. Ушбу йўналишда қуйидагиларни инобатга
олиш лозим:

- туризм соҳасида ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича
чора тадбирлар;

- ҳудудий туристик ярмаркалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

- туристик маҳсулотларни сотишдан унфикациялаштирилган
стандартларни жорий этилиши;

- аҳолининг барча қатламлари учун туристик ресурсларни,
имкониятларни таъмирлаш;

- туристик хизматларга эҳтиёжларни максимал даражада қондириш;

- туризмнинг ихтисослаштирилган турлари ривожлантириш
режаларини ишлаб чиқиш;

- реклама-ахборот таъминоти.

Самарканд туризми ривожлантириш истиқболларини кўра туриб шу
нарсани инобатга олиш лозимки биз қайси туризм гапирмоқдамиз. Денгиз

ва кўл қирғоқларидаги пляж туризм мавжуд. Ушбу турдаги туризмга Самарқанд номзод бўлаолмайди. Аммо бизнинг мамлакатимизда ўз авзалликлари мавжуд-тегилмаган табиат, Оҳалик, Миронкул, Ургут тоғлари.

Ҳозирги кунда дунёда оммобоб бўлиб экотуризм ҳисобланмоқда. Экотуризм ва Буюк Ипак йўли бўйич манба икки йўналиш бўйича Самарқанд ишлаши мумкин.

Шундай қилиб мамлакатимиз ва Самарқанд вилоятига ички туризмнинг ҳозирги ҳолати уни такомиллаштириш бўйича муайян иш кўламини талаб этади. Айнан шу мақсад учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати даражасида турли қонуний ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Самарқанд халқаро туризм бозорига кам сонли кучсиз туристик компаниялар орқали эмас балки давлат тамонидан қўллаб қувватланадиган бирлашган туристик структура билан чиқиши лозим бўлади. Айнан шунда яхши халқаро даражада ишлаш учун барча шарт-шароитлар вужудга келади.

3.2. Самарқанд вилоятида туристик хизматларни ривожлантириш йўллари

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, туризм тараққиёти учун фақатгина жозибадор масканларнинг мавжуд бўлишининг ўзи етарли эмас. Маҳаллий туристик инфратузилмани ҳам етарли ривожлантириш лозим, яъни ҳудудда ички туризмнинг ҳам ўрни катта бўлиб, ундан даромад олиш, маҳаллий аҳоли талабларини қондириб, унга хизмат кўрсатиш, аҳолининг савиясини ошириш, одамларни иш ўринлари билан таъминлаш имкониятларини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Давлат миқёсида амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистон йил сайин туризм ўлкасига айланмоқда. Бу ўз навбатида, халқаро алоқаларни ривожлантириш, халқимизнинг бошқа миллатлар билан ҳамкорлигини кучайтириш имконини бермоқда. Ўзаро ҳамкорликнинг

кучайиши эса мамлакатимизга жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳамда туристик хизмат экспортининг ўсишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда туризм соҳасининг ташкил этилишига назар ташлайдиган бўлсак, соҳанинг асосий ҳуқуқий ҳужжати Ўзбекистон Республикасининг „Туризм тўғрисида“га қонуни ҳисобланади. Ушбу қонундаги айрим моддаларда туристик хизматлар билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифи берилган. Жумладан, қонуннинг 3-моддасида туристик хизматлар тушунчаси ҳақида бундай дейилган: “Туристтик хизматлар — туристик фаолият субъектларини жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, ахборот-реклама хизматлари кўрсатиш борасидаги, шунингдек, туристларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бошқа хизматлар”.

Туристтик хизматлар — турист ва экскурсант эҳтиёжларини қондириш ва таъминлашга қаратилган, хизмат соҳасидаги бир мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар тўплами бўлиб, улар туризм мақсадларига, характери ва туристик хизматнинг қандай йўналтарилганига жавоб бериши ҳамда умуминсоний тамойилларга қарши бўлмаслиги керак. Давлат стандарти таърифига кўра, туристик хизматлар — туристларнинг эҳтиёжларини қондириш фаолияти билан шуғулланадиган туризм ташкилотларининг фаолияти маҳсулидир.

Сирасини айтганда, хизматлар — кўзга кўринмас товарнинг ўзига хос туридир. Хизмат бевосита истеъмол жараёнида юзага келади ва алоҳида ҳолда булмайди. Хизматнинг товардан асосий фарқи ҳам шунда. Бундан ташқари, товар истеъмолчига олиб келиб берилади, туристик хизматда эса истеъмолчи бевосита хизматнинг пайдо бўладиган ерига олиб борилади. Шунинг учун ҳам туристик хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш моддий товарларни сотишга алоқадор бўлган қонунлар асосида эмас, балки бошқа қонунлар мажмуи билан бошқарилади.

Туристтик хизмат таркибига хизматларни буюртма қилиш, ташиш, жойлаштириш ва бошқа барча расмийлаштириш ишлари, ташиб беришнинг барча турлари, трансфер, овқатлантириш, экскурсия ва аттракционлар,

тиббий кўрик ва суғурта, таржимон хизматлари, учрашувлар ҳамда бошқа хизматлар билан таъминлаш киради. Хизматлар таркибига яна гуруҳ бошлиғи хизмати билан гид — таржимоннинг хизмати ҳам киритилиши мумкин.

Хозирги кунда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, хусусан, туризм соҳасини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этмокда. Ушбу соҳада ҳам туристларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида техник модернизация ишлари амалга оширилмокда. Жумладан, мамлакатимиздаги меҳмонхоналар қайта таъмирланмокда ҳамда замонавий транспорт воситалари сотиб олинмокда.

Туризм соҳаси бошқа соҳаларга нисбатан кўпроқ иш ўринлари яратади. Ўзбекистоннинг бекиёс туристик имкониятларини жаҳонга танитишда оммавий ахборот воситаларининг роли каттадир. Президентимиз ўз маърузасида оммавий ахборот воситаларига алоҳида эътибор қаратиб, “Кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқсодий ислохотларнинг очиклиги ва ошкоралигини таъминлашда уларнинг фаоллигини ошириш, медиа маконга илғор ахборот-коммуникация технологияларини бевосита жорий этишга қаратилган қарийб 10 та қонун хужжати қабул қилинди”⁵⁷, деб таъкидлади. Шунини таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз минтақаларидаги туристик ресурслар, яъни вилоятлардаги тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар ҳамда рекреация ресурслари, дам олиш худудлари, соғломлаштириш масканлари, экотуристтик объектлар тўғридан-тўғри бу тармоқнинг истиқболини белгилайди.

⁵⁷ Каримов И.Л. Мамлакатимизни модернизация кдпиш ва кучли фукдролик жамияти барпо этиш — устувор макрадимиздир. 2010 йил 27 январь. Олий Мажлис Крнунчилик палатаси ва Сенатининг кушма мажлисидаги маърузасидан.

Ҳозирги кунда Самарқандда туристик хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат.

1. Туризм ва туристик индустрияни ривожлантириш. Бунинг замирида шундай сиёсат мужассамки, туризмни ривожлантириш учун туристик индустрияни, яъни туристларга хизмат кўрсатадиган меҳмонхоналар, туристик комплекслар, кемпинглар, пансионатлар, умумий овқатланиш ва савдо шохобчалари, транспорт корхоналари, маданият ва спорт муассасалари каби туристик объектларни халқаро андозалар даражасида ривожлантириш талаб этилади. Бу жараён қайси мулк ҳисобидан амалга оширилишидан қатъи назар, давлат ўзининг шу соҳага оид ташкилотлари орқали уни мувофиқдаштириб туради. Туристлик объектлар қанча бўлмасин, туристик индустрия ривож топмаса, туризмни ривожлантириш борасида қилинган барча ҳаракатлар бефойда. Чунки, мамлакатимизга ҳавас қилиб келган турист, агар туризм хизмати жойида бўлмаса, қайта келишни орзу қилмайди ва ўз танишларига ҳам бу жойга бормаслиқни тарғиб этади. Бу туристларни қабул қиладиган мамлакат учун жуда қимматга тушиши табиий.

2. Фуқароларнинг саёҳат қилиш пайтида дам олиш, эркин ҳаракатланиш ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаш. Бунда, энг аввало, туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш катта салоҳият касб этади. Чунки хавфсизлик таъминланмаган жойида эркинлик ҳам, дам олиш ҳам кўнгилдагидек бўлмайди. Бу ҳам давлат ҳудудидаги туристларнинг ҳаммаси учун дахлдордир. Чунки туристларга давлат, нодавлат, хусусий туристик фирмалар хизмат қилиши мумкин. Лекин мулк шаклидан қатъи назар, давлат туристларнинг эркин ҳаракати ва хавфсизлигини таъминлашни қонун билан ўз зиммасига олган. Бу туризмнинг ривожланиши учун асосий омиллардан биридир.

3. Туристлик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш. Мамлакатимизда туристик ресурсларнинг, яъни туристлар кизиқиб

кўрадиган тарихий ва маданий обидаларнинг, маърифий, ижтимоий-маиший объектларнинг, бетакрор табиат, иклим ва ландшафт масканлари мавжудлигининг ўзи Оллоҳнинг инъоми. Уларни асраб-авайлаш ҳар бир авлоднинг муқаддас фарзандлик, фуқаролик бурчидир. Бу ноёб обидалар неча асрлардан буён бизгача безавол етиб келган. Биз ҳам уларни келгуси авлодларга яхши сакланган ҳолда етказишимиз керак. Бу эса мазкур объектларни асраб-авайлаб, улардан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Мустақиллик йилларида тарихий обидаларни асраб-авайлаш борасида мамлакатимизда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларининг амалга ошгани шу борадаги катта эътибор самарасидир.

4. Туризм соҳасидаги норматив базани такомиллаштириш.

Хозирги пайтда юртимизда туризм тўғрисидаги қонун қабул қилинган, Президентнинг ўнлаб фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинган. Бу эса ушбу соҳада қонуний ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келаётганини кўрсатади.

5. Болалар, ёшлар, ногиронлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари туризми (экскурсиялари) учун шароит яратиш ҳам давлатимизнинг туризм соҳасидаги сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Бу бевосита мамлакатимизда шаклланаётган ижтимоий ҳимояга асосланган бозор муносабатларини қарор топтириш мақсадидан келиб чиқади. Бу тоифа давлат кўмагига муҳтож аҳоли қатламидир. Аҳолининг мазкур қисми мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши билан қисман камайиб боради. Аммо бутунлай барҳам топмайди, чунки аҳолининг ахволи қандай бўлишидан қатъи назар, унинг таркибида болалар доимий равишда бўлади, ёшлар, ногиронларнинг мавжудлиги ҳам муқаррар. Ниҳоят, кам таъминланган аҳоли қатлами аста-секинлик билан камайиб бориши мумкин. Бу вазият давлатимизнинг кучли ижтимоий ҳимояга асосланган сиёсат юритишини тақозо этади. Бу

сиёсатнинг бевосита туризмга ҳам жорий қилиниши давлат сиёсатида ижтимоий ҳимоянинг изчиллигидан далолат беради.

6. Туристик индустрияни ривожлантириш учун инвестициялар жалб этиш сиёсати. Бу сиёсат ҳам мамлакатимизда туристик объектларни яхши ҳолатда ушлаб туриш ва уларни ривожлантиришга қаратилган. Бу соҳада мустақиллик йилларида жуда кўп туристик иншоотлар қурилди. Булар жумласига Самарқанддаги Имом Бухорий, Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуалари, Ровсул Аъзам қадамжоси, Хўжа Аҳрор Валий мақбарасининг қайта таъмирланиши, Аҳмад Фарғоний, Бурҳонуддин Марғилоний, Амир Темур каби буюк зотларга қўйилган ёдгорликларни киритиш мумкин. Бу улуғ аجدодларимизга қўйилган ёдгорликлар нафақат туристик объект сифатида қад кўтармоқда, балки, энг муҳими, улар ўз тарихимизни чуқур англашга ҳам хизмат қилади. Бу эса мустақил тараққиёт йўлини тутган ва ўзининг ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам булмаслигини намоён этишга азму қарор қилган халқимиз иродасининг ифодасидир.

7. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун туристик хизматлар бозорида тенг имкониятлар яратиш сиёсати ҳам давлатимизнинг туризм соҳасидаги муҳим йўналишларидан биридир. Барча соҳалар сингари туризм соҳасида давлат ташкилотлари билан биргаликда нодавлат ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатади. Уларнинг асосий қисмини хусусий ёки аралаш мулкка асосланган тадбиркорлик субъектлари ташкил қилади. Бу субъектларга тегишли шароит яратиб бериш, уларнинг эркинлиги, мулкӣ муносабатларда дахлсизлигини таъминлаш каби тадбирлар туризм соҳасида эркин рақобат муҳитини шакллантириш ва унинг ривожланиши учун асосий омиллардан бирини яратиш имконини беради. Мамлакатимизда амал қилаётган „Тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонун (2000 йил 25 май) ҳам тўлалигича мазкур соҳада тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга бел боғлаган тадбиркорларга ҳам дахлдор. Бундан ташқари, туризм соҳасида тадбиркорлик билан шуғулланадиган субъектларга қўшимча равишда ҳуқуқ

ва мажбуриятлар „Туризм тўғрисида“ги қонунда ҳам белгилаб қўйилган. Кўриниб турибдики, бу соҳада туризмни ривожлантиришда давлат ўз сиёсатини амалга ошириш учун уларнинг фаолиятида эркинликни таъминлаш борасида тегишли меъёрий ҳужжатлар мажмуасини яратган.

8. Туристларнинг хавфсизлигини, уларнинг ҳудудлари, қонуний манфаатлари ва мол-мулки муҳофаза қилинишини таъминлаш ҳам бу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирини ташкил қилади. Чунки ҳар қандай турист бир жойдан иккинчи жойга борар экан, асосан, ҳар томонлама хавфсизлиги таъминланган тақдирдагина бунга жазм этади. Туристлар томоша қиладиган, дам оладиган шахс сифатида ўз қонуний манфаатларига эга бўлиши, мол-мулки дахлсизлиги таъминланишини хоҳлаши табиийдир. Бунинг учун эса туристларни қабул қиладиган мамлакат ана шу шароитларни тўлиқ яратиб берган бўлиши лозим. Шу жиҳатдан давлатимизнинг мазкур йўналишдаги сиёсати айнан туристларнинг шу муҳим талабларини қондиришга қаратилган. Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, халқаро терроризм балоси кучайган бугунги кунда ўта муҳимдир. Бу тадбир, ўз навбатида, туристларни кутиб олиш, олиб юриш ва кузатишда туристик фирмалар ходимлари билан бирга миллий хавфсизлик ва ички ишлар хизматлари ходимларидан ҳам фойдаланишни тақозо қилади.

9. Туризм соҳасининг илмий таъминотини ташкил этиш ва ривожлантириш ҳам давлатимизнинг ушбу соҳадаги сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Чунки, бу соҳа — ўта мураккаб соҳа. Уни кўр-кўрона ривожлантириб бўлмайди. Бу соҳани иқтисодиётнинг асосий қисмига айлантириш ва тегишли фойда олишга эришиш учун уни илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ қилиш талаб этилади.

Давлат уз зиммасига чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш масаласини дам олган ва бу йўналиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таркибидаги Жаҳон туризм ташкилотининг тўлақонли аъзосидир ва эътиборли томони шундаки,

Ўзбекистон 2012 йилдан буён ушбу нуфузли ташкилотнинг Ижроия қўмитасини бошқариб келмоқда. “Ўзбектуризм” миллий компанияси ва бир қатор туристик фирмалар Япония, Россия, Германия, Европанинг бир қанча мамлакатлари, Шарқий Осиёдаги давлатлар билан ҳамкорлик қилмоқда ва бу ҳамкорликни кенгайтириш борасида изчил иш олиб бормоқда.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, туризм соҳаси Самарқанд вилоятида ҳам келажақда катта истиқболга эга бўлган соҳалардан бирига айланади. Давлатимиз сиёсати ҳам айнан шунга қаратилган.

3.3. Самарқанд вилоят туристик хизмат кўрсатиш корхоналарида ёнғин ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш йўллари

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади инсон манфаатларига қаратилган. Шунга кўра, корхоналарда ҳам фаолият кўрсатаётган ходимлар саломатлигини, улар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш корхона раҳбариятининг диққат марказида бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофазаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» қонунига биноан (5-модда) меҳнат муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат қилинади.

Корхоналарда меҳнат қонунларининг бузилмаслигининг тармоқ назоратини вазир ва бирлашмалар бўйсунуш тартиби билан амалга оширади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг барча соҳалари бўйича бажариладиган тадбирлар давлат бюджети, корхона, ташкилот, ҳомийлар ва бошқалар томонидан молиявий таъминланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш мажбурийлиги ҳам қонунда батафсил кўрсатиб ўтилган. Унга кўра корхоналар ходимларнинг техника хавфсизлигини таъминлашлари, шу мақсадда тегишли адабиётлар, плакатлар билан таъминлашлари, ходимлар ўртасида инструктажлар ўтказиб туришлари, шунингдек, зарурий ҳолларда ходимларни сўт, даволаш-

профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаши лозимлиги келтирилган.

Корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатини муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабаларига мувофиқ бўлиши лозим.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгилаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

Корхона маъмурияти томонидан меҳнат конунчилигига риоя қилиниши юқори идора органлари, махсус давлат инспекцияси (Госэнергоназор), прокуратура шунингдек касаба союз органлари ва уларнинг раҳбарлигидаги жамоатчилик назорат қилади.

Касаба союзларнинг ишлаб чиқаришдаги кумиталари ҳузуридаги меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия ташкил қилинади. Комиссия меҳнат конунчилигига, хавфсизлик техникасига ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоида ва нормаларга риоя қилишни текширади ва меҳнат муҳофазасига оид бўлган курикларда иштирок этади.

Бу комиссия ишчиларга инструктаж бериш ва хавфсиз ишлаш усуллари ўргатиш сифатини, хатолар ва асбобларнинг тузуклигини,

мехнат муҳофазасига ажратилган маблағларни сарфланишини, бахтсиз ходисаларни тугри ҳисобга орлинишини назорат қилади, ишлаб чиқариш травматизли ва касбий касалликлар сабабларини урганади ва маъмуриятга таклифлар киритади, ишчиларнинг махсус коржома, махсус оёқ кийими индивидуал химоя воситалари сут, совун, сифатли ичимлик сув билан вақтида таъминланишини назорат қилади. Комиссия истаган вақтида иш уринларини текшириши мумкин.

Мехнат муҳофазаси бўйича жамоат инспектор хужаликнинг ҳар қайси бўлинмасида бир йил муддатга сайланади. У мехнат қонунчилигига риоя қилинишини, инструктажнинг уз вақтида утказилишини назорат қилади, станоклар асбоб-ускуналар, химояловчи қурилмалар бузуклигини аниқлаш, чиқиндиларни уз вақтида йиғиштириб олиниши, утиш жойлари ва иш уринларида тартибга риоя қилинишини назорат қилиб туриши зарур, шунингдек ишчилар махсус коржома, химояловчи воситалар, совун билан таъминланишини текшириб туриши зарур.

Корхоналарда касаба союз қошида мехнат техникавий инспектори тайинланади. У мехнат қонунчилиги бўйича ишларни касаба союзига қарашли корхоналарда назорат қилади. Бундан ташқари қурилган корхона ва хоналар унинг ижозатсиз фойдаланишга топширилади. Ҳамда давлат назорати инспекциялари билан алоқада бўлади. "Йўл ҳаракати қоидалари" га риоя қилишни Давлат автоинспекцияси назорат қилади.

Электр қурилмалар, электр тармоқлар, буғ қозонлари, электр станциялари, қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги кўтариш-тушириш техникалари ишлаши ва уларга ҳавфсиз хизмат кўрсатиш қоидалари риоя қилишни Давлат энергия назорати инспекцияси назорат қилади.

Давлат санитария назорати Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Инсониятнинг ҳаёти ва иш жараёнида содир бўлиш эҳтимоли кўп бўлган ва катта талофат келтирадиган бахтсиз ҳодисалардан бири ёнғин ҳисобланади. Шунинг учун корхоналарда ёнғин ҳавфсизлиги чораларини

кўриш, ёнгин содир этган ҳолларда уни ўчиришга мослашган асбобларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналарда, ташкилотларда хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қонунлари ва кодексида ёзиб қўйилган.

Ҳар қандай корхонада ишлаб чиқариш технологияси, ишлатиладиган хом ашёси, чиқарадиган маҳсулоти ва жойлашган биносининг конструкцияси ҳисобга олинган ҳолда ёнгин чиқишга, портлашга ва ёнгин чиққан тақдирда унинг тарқалишига, шунингдек ёнгиннинг асоратига асосланган ҳолда ёнгинга ва портлашга хавфлилик даражаси белгиланади.

Албатта, ҳар бир корхонада ёнгин хавфи биринчи навбатда, у ерда ишлатилаётган хом ашёнинг ва чиқарилаётган маҳсулотнинг ёнгинга хавфлилик даражаси билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам корхоналарни категорияларга ажратганда ишлатилаётган моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳисобга олинади.

Корхоналарда ёнгинга қарши кураш ишларини шу корхоналарнинг ёнгинга хавфлилик даражасига қараб, корхона маъмурияти белгилайди. Агар корхонада ёнгин хавфи бўлса, унда ёнгинга қарши кураш бўлими ташкил қилинади. Бундай бўлим ўзининг махсус ёнгинга қарши кураш командаларини ташкил қилади.

Ҳозирги вақтда давлат ёнгинга қарши кураш назоратини Ички ишлар вазирлигининг ёнгиндан муҳофаза қилиш бош бошқармаси амалга оширади. Унинг асосий вазифаси корхоналарда ёнгин ва портлашга олиб келадиган сабабларни йўқотишга қаратилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдан иборатдир.

Қабул қилинган технологик лойиҳалашнинг амалдаги меъёрларига биноан барча ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнларнинг портлаш ва ёнгин хавфи бўйича беш тоифага бўлинади (А, Б, В, Г ва Д).

«А» ҳамда «Б» тоифалар портлаш ва ёнгин хавфи мавжуд корхоналардир.

«В» тоифасига фақат ёнгин хавфи мавжуд корхоналар киради. Улар «А» ва «Б» тоифаларида учрамайдиган ёнувчи суюқлик, чанг ва толалар, қаттиқ ёнувчи модда ҳамда материаллар мавжудлиги билан характерланади.

«Г» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материалларни иссиқ, чўғланган ёки эриган ҳолда ишлайдиган, иш жараёнида нурсимон иссиқлик ажраладиган учкун, аланга чиқиб турадиган, шунингдек, қаттиқ, суюқ ва газсимон ёқилғи ёқиладиган цехлар киради. «Д» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материаллар совуқ ҳолатида ишлатиладиган цехлар киради.

Ёнгин саноат корхоналари, халқ хўжалигининг барча тармоқларида юз бериб, етказадиган зарари жиҳатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир бахтсиз ҳодисаларга - захарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин.

Ёнгинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чора-тадбирларини олдиндан кўриш, унга қарши самарали кураш олиб бориш ёнгинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Корхонани лойиҳалашда, куришда, технологик жараёни амалга оширишда эътиборга олинadиган ёнгин хавфсизлиги чора тадбирлари келажакда ёнгиннинг олдини олиш ва ундan огоҳлантиришда муҳим ҳисобланади.

Ёнгин хавфсизлиги қоида-талабларининг бузилиши, технологик жараённинг режимга тўғри келмаслиги, электротехник асбоб-ускуналарнинг носозлиги, улардан фойдаланиш қоидасининг бузилиши саноат корхоналарида ёнгин, портлаш бўлишига олиб келади.

Ёнгин содир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, корхона ва цех маъмурияти томонидан камчиликларга йўл кўйилиши билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қўйиладиган компонентлар таркиби ва

тезлигининг ўзгариши, аралаштирилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом-ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларни йўқотиш усулининг бузилиши ва бошқа ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Технологик жараёнларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги умумий тадбирлар амалга оширилади:

- 1)хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;
- 2)ускуна-мосламаларни тусикланган ҳолатда жойлаштириш;
- 3)корхона биноларидаги қўлланадиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг миқдорини камайтириш;
- 4)ускуна, газ қувурларида, ҳаво алмаштириш тизимида ёнувчи моддаларнинг портлашга хавфли концентратсияси ҳосил бўлишига йул қўймаслик;
- 5)ёнувчи аралашмаларга ингибиторлар, инерт моддалар қўшиш;
- 6)ёнғин алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт муҳитини яратиш;
- 7)ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаш, узлуксизлигини таъминлаш;
- 8)технологик ускуна ва коммуникацияларнинг герметиклигини таъминлаш ва жараёнда вакуум қўллаш;
- 9)белгиланган технологик режимни аниқ бажариш, стандартларга амал қилиш;
- 10)технологик ускуналарни таъмирлаш, тузатишдан сўнг ва ишга туширишдан аввал сув буғи ёки инерт газ билан ишлаш;

Хизмат кўрсатиш корхоналари бино ва иншоотларида ёнғинни ўчириш учун сув, сув буғи, кўпик, инерт газлар, кукунлар, сиқилган ҳаво ва қаттиқ моддалар кенг қўлланилади. Шунинг учун корхона объектлари ва майдонларини ёнғин учуриш моддалари билан таъминлашда ва ёнғинни ўчиришда бирор услубни қабул қилганда уларни ҳисобга олиш керак.

АСОСИЙ ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси куйидаги таклиф ва мулохазаларни билдириш имконини берди.

1. Туризм соҳасини, унинг функциялари нуктаи назарида кўриб чиқиш натижасида, шу нарса маълум бўлдики, туризмнинг классик тарздаги учлиги «туризм + жойлаштириш + кунгил очиш» жараёнлари ижтимоий-иқтисодий соҳа вазифаларининг қарийб ҳаммасини уз ичига олар экан.

Шу туфайли бугун унинг кўп қирралигини исботловчи кўп сонли таърифлари мавжуд.

Келтирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда куйидаги хулосага келишимиз мумкин, ҳозирги пайтда туризмга бериладиган уч та умумий таъриф мавжуд. Биринчиси, тор маънодаги таъриф бўлиб, унга биноан бу тушунча туристик корхоналар фаолияти билан чегараланади. Иккинчиси, бир ёқлама истеъмолчига қаратилган бўлиб, бу таърифга асосан "туризм" тушунчасига доимий истиқомат қилиш жойидан ташқарида ишлаб чиқариш ташвишларидан ҳоли вақтда хизмат ва товарларни истеъмол қилиш жараёни тушунилади. Учинчисига биноан эса, "туризм" тушунчасига жамиятда инсонларнинг истиқомат қилиш жойидан ташқарида бўш вақтидан фойдаланиш борасидаги ва бунинг учун зарур бўлган хизмат ва товарлар ҳажмини қайта ишлаш шартлари билан боғлиқ, бўлган муносабатлар тушунилади.

Бизнингча, сўнгги таъриф нафақат кенг ва атрофлича, балки туризмнинг жамиятдаги тутган ўрнига сифат жиҳатдан янги баҳо беради. Бунга, биринчи навбатда, туризм соҳасига, реклама - ахборот хизматлари, транспорт, қурилиш, қишлоқ. хўжалиги, қайта ишлаш каби тармоклари билан бошланадиган ҳамда таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва маданият каби тармоқлар билан тугайдиган кенг микёсдаги фаолият турлари кириши сабаб булади.

2. Ҳозирги пайтда «иқтисодий механизм» тушунчасининг таниқли олимлар, мутахассислар томонидан турлича талқин қилинаётганлиги

маълумдир.

Сохага оид адабиётларнинг купчилигида иқтисодий ва ҳўжалик механизмига таъриф беришда аниқ мазмунга эга булган тушунчалар мавжуд эмас. Бунинг оқибатида берилаётган таърифларда "иқтисодий механизм" ходисасининг асл мохияти ўз ифодасини топмайди. "Иқтисодий механизм" тушунчаси хакида ягона фикрнинг йўқлиги, ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари тараққиётининг (объектив ва субъектив) омилларига турлича улчамлар киритиш ҳолатининг юзага келишига сабаб булмоқда.

Шундай килиб, биз "иқтисодий механизм" иқтисодий жараёнларни бошқариш, уларга таъсир ўтказиш воситаси ва усуллари мажмуасидан иборат, деган фикрга тўла қушиламиз ва туристик бозор фаолияти механизми туристик маҳсулот таклифи ва талабини мувофиқлаштириш учун зарур бўлган иқтисодий ҳаракатлар тизимидир, деб ҳисоблаймиз.

3. Туризм хизматлар бозорини таҳлил қилар эканмиз, биз тадқиқотимиз объектини туризм бозорининг биргина, бироқ энг муҳим сегментидаги , яъни туристик фирмалар фаолиятидаги муносабатлар билан чегаралаймиз. Таърифларга кура, туристик фирмалар саёҳатлар ташкилотчиси ва туристларга хизмат кўрсатувчи сифатида ўзида туризм индустриясидаги бозор иқтисодий муносабатлари тизимининг асосий ҳалқасини ташкил этади. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, узининг шубҳасиз муҳимлигига қарамасдан, туризм индустриясидаги бозор муносабатларининг айнан шу соҳаси ҳозирги пайтгача етарлича ёритилмай келмоқда.

Хуллас, туризм хизмат бозорини туристик маҳсулотни яратувчи ва унинг харидорлари (яъни турист, туроператор, турагент) ўртасида бўладиган иқтисодий муносабатларни юзага келтирадиган ҳудуд сифатида таърифлаш маъкул булмоқда.

Ўзбекистонда туризм соҳасидаги хизматлар бозори бозор иқтисодиёти ислохотлари ва хусусийлаштириш жараёнлари кетидан 90-йилларнинг биринчи ярмидан шакллана бошлади. Шу пайтгача бозорнинг мазкур сегменти доирасида олиб бориладиган фаолият давлат томонидан қаттиқ,

назорат қилинарди, давлат барча хизматларнинг асосий таъминотчиси эди. Мустақилликка эришилгандан кейин, 90-йиллардан ҳозирги пайтгача, туристик хизматлар бозорида доимий ривожланиш жараёни давом этмоқда. Аммо ҳозирги пайтга қадар Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида туризм хизмат бозорининг тутган ўрни ҳали тўла аниқланмаган.

Чиқувчи туризм хизмат бозори қўшимча рағбатлантирилишга мухтож эмас, аммо кирувчи туризм бозорининг аҳволи бошқача бўлиб, уни қуллаб-қувватлаш ва рағбалантириш лозим, чунки у республикага жуда катта фойда келтиради. Ўзбекистонда кирувчи ва чиқувчи туризм бозори асосида ривожланаётган туристик бизнес нафақат туризм индустриясига, балки ноишлаб чиқариш соҳасига тегишли бўлган бир қатор бошқа соҳаларнинг ривожланишини ҳам таъминлайди. Бу тармоқларда ҳамда туризм инфраструктурасига тегишли корхоналарда янги ишчи ўринларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради.

4. Туризм хизмат бозорини чуқурроқ ўрганиш мақсадида туристик корхоналарни бошқариш тизимининг самарадорлигини ишда динамик меъёрлар модели ёрдамида ҳисоблаш таклиф этилган. Динамик меъёрлар бу ўзининг ўсиш сураatlари бўйича муайян тартибга келтирилган кўрсаткичлар мажмуи бўлиб, бу тартибга амал қилиш узоқ вақт мобайнида хўжалик тизими фаолият кўрсатишининг энг яхши режимини таъминлайди.

5. Тадқиқот натижасида "туризм индустрияси" тушунчасининг моҳиятини табиий бойлик, моддий ва маънавий манбалардан фойдаланиш асосида туризм моддий-техника базасини унинг кадрлар захирасини яратиш ҳамда туристлик маҳсулотни ишлаб чиқариш ва истеъмолини таъминлаш имконини берадиган турли хўжалик соҳаларининг ҳамкорлиги йигиндисидан иборат, деб ҳисоблаймиз. Ишда талаб таъсирида шаклланган туризм индустриясининг таркибий тузилиши таклиф этилган.

6. Тадқиқотлар натижасида ҳозирги пайтда туризм хизматлар бозорида малакавий иш туризмни Ўзбекистон туризми ривожланишининг истикболли йўналиши сифатида белгилаш мумкин. Бунинг учун хизмат

кўрсатишнинг мазкур сегментидаги сезиларли ўсишни МДХ, мамлакатлари ва узоқ хориж билан аввалги алоқалар тизимини тиклаш ва янги алоқаларни ўрнатиш туфайлигина эришиш мумкин. Саёхатларнинг мақсадларига кўра хизмат кўрсатилган туристлар сонининг тақсимланиши бўйича тадқиқот бевосита туризм мақсади бўйича ташрифлар улушининг камлигини кўрсатди, бизнингча, бу керакли турпакет, бренд ва туристик хизматлари сервисининг паст даражада эканлигидан дарак беради. Мамлакатимиз туризм хизмат бозорининг фаолиятида мавсумийлик омили мавжудлиги Ўзбекистоннинг • иқлимий шарт-шароитлари ва турмахсулотни шакллантиришда айнан табиий-иқлимий омиллар бош рол ўйнаши билан изоҳланади.

7. Тадқиқотлар натижасида глобал инқирозни бартараф этиш шароитида туризм хизмат бозори қанчалик мукаммал ривожланган бўлмасин, барча ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қодир эмаслиги маълум бўлди, масалан, туризм соҳасига кадрларни тайёрлаш муаммосини ҳал қилиш, транспорт тизимини модернизация қилиш, туристлар хавфсизлигини таъминлаш, атроф- мухитнинг ифлосланишини бартараф этиш ва бошқаларга бозорнинг имконияти етмайди.

8. Туристлик хизмат бозорининг давлат томонидан бошқарув таркибининг таҳлили ҳозирги пайтда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги иқтисодий ва маъмурий механизмнинг мавжудлигини кўрсатди:

- солиқ, имтиёзлари, субсидиялар ва дотациялар;
- туризм ривожланишига ёрдам берувчи ва туристик хизматлар истеъмолчиси ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминловчи миллий қонунчилик ва меъёрий актлар;
- мамлакатга киришда ва ундан чиқишда паспорт ҳамда визага оид чекловларни камайтириш;
- нархларни турли арзонлаштириш ва имтиёзлар йўли билан номавсумий туризмни рағбатлантириш;
- ижтимоий туризмни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

- туристлар хавфсизлиги талабларини кучайтириш;
- давлат томонидан атроф муҳитни маданий ва тарихий ҳамда бошқа бир қатор меросларни сақлаш бўйича қўлланилаётган чораларни кучайтириш.

9. Тадқиқотлар натижаси минтақада "Ички туризм"ни ривожлантириш жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози шароитида энг фойдали туризм турларидан бири эканлигини кўрсатмоқда. Жаҳонда "Ички туризм" ни баҳолаш бўйича методиканинг йўқлиги туфайли, унинг даромадлилиги бўйича аниқ маълумотлар йўқ, аммо уни бугун Ўзбекистон шароитида ривожлантириш ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ўта долзарб масала бўлиб турибди.

10. Самарканд худудидаги 120 та туристик корхоналарнинг 2000-2010 йиллар давридаги статистик маълумотлари ва молиявий ҳисоботларидан фойдаланиб, самарадорлик кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларнинг боғлиқлигини аниқлаш учун ташкилий, ҳукукий ва таркибий ҳолатлари бўйича бир хил ҳамда нисбатан объектив статистик маълумотларга эга бўлган 30 та туристик фирмалар танлаб олинди. Ушбу танлаб олинган турфирмалар хизматларида чет эллик ва маҳаллий туристларнинг ўсиб боровчи талаби мавжуд эканлиги аниқланди. Ўтказилган таҳлиллар асосида туристик корхона фаолиятининг самарадорлигига таъсир килувчи 6 та омил аниқданди бу ўз капитал қиймати, ходимларнинг ўртача сони, туристик хизматлар таннархи, асосий воситалар ўртача қиймати, асосий воситаларнинг ўртача эскириши, ходимларнинг ўртача маълумоти даражаси. Натижада туристик корхона фаолиятининг самарадорлиги ва рентабеллигини оширишнинг оптимал моделлари танлаб олинди.

Бошқариладиган институционал механизмини уйғун равишда бирлаштиришдан иборатлигини кўрсатмоқда.

11. Ишда эконометрик функцияларни қўллаш натижасида башорат килинаётган 2011-2013 йиллар даврида Самарқанд худудида туризм бозори ривожланишининг башорат кўрсаткичлари туристик корхоналарнинг ЯИМ таркибидаги салмоғининг мунтазам равишда ортиши аниқланди. Башорат

кўрсаткичларига кўра, истиқболда (2013 йилда) Самарканд ҳудудида туристик хизматлар экспорти ҳажмининг ўсиши 10346,3 минг АҚШ доллари миқдорида кутилмоқда. Бу ҳолат келажакда Ўзбекистонда кирувчи ва чиқувчи туризм бозори асосида ривожланаётган туристик бизнес нафақат туризм индустриясига, балки ноишлаб чиқариш соҳасига тегишли бўлган бир қатор бошқа соҳаларнинг ривожланишини ҳам таъминлайди.

Бу бошқа соҳаларда ҳамда туристик инфраструктурасига тегишли корхоналарда янги ишчи ўринларнинг яратилишига ёрдам беради.

Таклиф қилинаётган функциялар ва башорат кўрсаткичлари Самарканд ҳудудида туризм хизмат бозорини такомиллаштириш ва ривожланишининг истиқболли режасини шакллантириш ҳамда ушбу соҳани модернизация қилишдаги турмахсулот сарф-харажатлар миқдорини аниқлаш, янги технологиялар ва янги хизматлар яратиш имконини беради.

12. Туристтик фирма раҳбарлари билан ўтказилган социологик сўровноманинг таҳлили, туристик фирмалар ўз ташқи муҳитини ўрганишга асосий вақтларини сарфлар экан. Туристтик ташкилотлар фаолиятининг асосий муаммоси сифатида солиқ, сиёсатининг беқарорлиги деб эътироф этилди, жавобларнинг 66,8 фоизи шунини тасдиқлади. Фирма фаолиятининг асосий муаммоларига, шунингдек, туристик хизматлар бозоридаги юқори даражадаги рақобатни - 60,8%, туризм ривожининг давлат томонидан етарли қўллаб-қувватланмаслигини - 55,0%, ўз хусусий пул маблағларининг етишмаслигини - 51,71%, истеъмолчининг тўловга лаёқатсизлигини - 49,0% каби муаммоларни кўрсатишди.

13. Ишда социологик сўроқ ўтказган жами турфирмалардан аттиги 23% турфирмалар SWOT - таҳлилни амалга оширган, стратегик гуруҳдар хариталарини ва Бостон маслаҳат гуруҳи матричасини қўлашар экан. Шуларни ҳисобга олиб, тадқиққртимизда амалга оширилган «Sukhrobkhon» туристик фирмасининг SWOT - таҳлили натижасида истиқболда ривожланиш учун ишда ушбу туристик фирманинг инновацион стратегияси иқтисодий механизми таклиф этилди ва уни амалга ошириш бўйича аниқ, чора-

тадбирлар дастури ишлаб чикилди.

Ушбу таклиф этилган инновацион стратегияси иқтисодий механизми ва уни амалга ошириш бўйича тадбирлар дастури бугунги кунда ҳар қандай туристик фирманинг истикболдаги ривожланишда ҳам бемалол қўлланилиши мумкин, чунки уларнинг барчасини иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ташқи муҳитда деярли бир хил имконият ва хавфлар кутмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни. -Т.: 1999 йил 20 август.
3. «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июндаги 210-сонли қарори.
5. «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 июлдаги 324-сонли қарори.
6. «Ўзбекистон Республикасида 2006—2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сонли қарори.
7. «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги ПҚ-640-сонли қарори.
8. Александрова А. Ю. Международный туризм. Учебное пособие для ВУЗов. - М.: Аспект Пресс, 2001. – 464 с.
9. Биржаков М.Б. Введение в туризм. – Издание 9-е переработанное и дополненное. – СПб.: Издательский дом Герда, 2007. – 576 с.
10. Здоров А.Б. Экономика туризма. Учебник. - М.: Финансы и статистика, 2004. – 267 с.
11. Ильина Е.Н. Туроперейтинг: организация деятельности. Учебник. - М.: Финансы и статистика, 2000. – 251 с.
12. Камилова Ф.К. Халқаро туризм бозори. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ 2007. – 192 б.

13. Мирзаев Р. Туристические жемчужины Узбекистана. Т.: Ипак Шарк, 2005. – 243 с.
14. Пардаев М.Қ. Туризм асослари. Маъруза матни. Самарқанд, 2006. – 76 б.
15. Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. С.: СамИСИ, 2006. – 137 б.
16. Ташмуратов Т.Т. Халқаро туризм. - Т.: Турон – Иқбол., 2007. – 320 б.
17. Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы региона-льного туризма. Монография. Т.: Фан, 2009. – 154 с.
18. Тухлиев И.С. Туризм асослари. Ўқув қўлланма. Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашри. С.: СамИСИ, 2009. – 237 б.
19. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма.- Т.: Гос.науч.изд-во Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.– 421 с
20. Тухлиев И.С., Бектемиров А.Б., Усманова З.И.. Туризмда стратегик маркетинг. Ўқув қўлланма.С.: СамИСИ, 2010. – 144 б.
21. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Ибодуллаев Н.Э., Амриддинова Р.С. Туризм асослари. Ўқув қўлланма. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри.- С.: СамИСИ, 2010. – 284 б.
22. Тухлиев И.С., Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш.
23. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти. 2010. – 238 б.
24. Қудратов Ғ.Х., Тухлиев И.С. Туризм иқтисодиёти. Услубий қўлланма.- С.: СамИСИ., 2007. – 84 б.
25. Файзиев Э.С. Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола. Т.: ‘Fan va texnologiya’, 2007. – 16 б.-1,0 б.т.
26. Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Укув кулланма. Самарқанд, 2010. – 243 б.-15,25 б.т.

